

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

С.А. НОСИРОВА

**Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик
терминологияси**

Масъул муҳаррирлар:
филология фанлари доктори,
профессор Ҳ. Дадабоев
филология фанлари номзоди,
доцент А.А.Каримов

Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий Кенгаши
томонидан хитой филологияси, халқаро муносабатлар ва
минтақашунослик мутахассисликлари соҳасида таълим олаётган
бакалавр, магистр ва аспирантлар учун **ўқув қўлланма** сифатида тавсия
этилган.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2011

УДК 809.51.- 0
ББК 81.2 (5-КИТ)
Х-33

Такризчилар: филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоев, филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимова, филология фанлар доктори, профессор Ху Чженхуа (Хитой Миллатлар университети).

С.А. Носирова

Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси

Ўқув қўлланма (I қисм) /филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоев ва филология фанлари номзоди, доцент А.А. Каримовлар таҳрири остида. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. 162 б.

Ўқув қўлланма хитойча ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларнинг тарихи, генезиси, лексикаси, семантикаси, тузилмалари, социолингвистикаси, дипломатия соҳасидаги ҳужжатларнинг умумий лингвистика асослари ва таржимашуносликни долзарб муаммоларининг тадқиқи бағишланган.

Хитой филологияси, халқаро муносабатлар, минтақашунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган бакалавр, магистр ва аспирантлар ҳамда хитой тилини ўрганувчиларга тавсия этилади.

С.А.Носирова

Общественно-политическая и дипломатическая терминология китайского языка. Учебное пособие (Часть I) /Под ред. док.филол.наук, проф. Ҳ.Дадабаева и канд.филол.наук, доцента А.Каримова.-Т.:Изд-во Национальной библиотеки Республики Узбекистан имени Алишера Навои, 2011. - 162 с.

В учебном пособии рассмотрены история, генезис, лексика, семантика, парадигматика, синтагматика, семасиология, структура, образование, социолингвистика, трансформация, семиотика, основы когнитивного анализа общественно-политических и дипломатических терминов, дипломатических документов на китайском языке, а также некоторые актуальные проблемы перевода общественно-политических и дипломатических документов на узбекский язык.

Учебное пособие предназначено для лиц, обучающихся в бакалавриате, магистратуре и аспирантуре по специальностям китайская филология,

международные отношения и регионоведение, а также широкому кругу лиц, интересующихся проблемами современной китайской филологии.

S.A.Nosirova, Ph.D. (Philology)

The Social, Political and Diplomatical terminology of Chinese/Ed. by Ph.D in Filology, Professor H.Dadabayev and Ph.D in Filology ass. Professor A.Karimov/-T.:Alisher Navoi National Library press, 2011. - 162 p.

The textbook presents lectures for the students and postgraduates of the Chinese filology, regional research and international relations departments.

Main aspects of the textbook is analysis of genesis, structure, lexicology, semantics, cognitive – linguistics, evolution, transformation, commonsense concepts, interdisciplinary and translation contemporary problems of Chinese Social, Political and Diplomatics term in common and translations matter Social, Political and Diplomatic letters from Chinese to Uzbek particularly.

УДК 809.51.- 0

ББК 81.2 (5-КИТ)

X-33

© С.А. Носирова, 2011

“Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”.

И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти

СЎЗ БОШИ

Тил жамият ҳаёти билан билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли у билан доимо ҳамнафас ривожланади. Муайян тарихий даврда бирор бир тилда қўлланган сўзлар миллат, халқ, жамият ва мамлакатнинг маданий, иқтисодий, илмий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёти мобайнида ҳамда глобаллашув таъсирида маълум бир жараёнлардан ўтади. Мазкур жараёнлар ҳар бир сўзга, сўз бирикмасига муайян таъсир кўрсатади. Биринчидан, баъзи бир сўзлар, терминлар, сўз бирикмалари трансформацияга учраб, асл семантикасини, баъзи бир ҳолларда шаклини ҳам ўзгартириб, сайқаллашиб, янги шароитга ва замонавий талабларга мослашади.

Иккинчидан, уларнинг бир қисми эскириб, қўлланиш кўлами қисқариб, аста-секин фойдаланишдан чиқиши мумкин.

Учинчидан, маълум бир сўзлар, терминлар, сўз бирикмалари ўз маъно ва мазмунини асрлар оша мустаҳкам сақлаб қолади.

Тўртинчидан, ҳар бир тил, у қайси тиллар системасига киришидан қатъий назар, бошқа тил ёки тиллар таъсири натижасида янги сўзлар, терминлар билан бойиб, ривожланиб ва ўзгариб боради.

Тилнинг ўзгариш жараёни мураккабдир. Дж.Лайонз фикрича, тилшунослар ҳозирги давргача нима сабабдан тил ўзгаради, деган саволга жаҳон илмий жамияти томонидан эътироф этилган жавоб топа олмаганлар¹. Тилнинг ўзгарувчанлиги ва трансформациясини изоҳловчи бир қатор илмий назариялар, қарашлар ва фаразлар мавжуд. Аммо уларнинг бирортаси ҳам тилнинг ўзгаришига оид барча сабаб ва омилларни қамраб олмаган. Бевосита ижтимоий-сиёсий ва дипломатия соҳасидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, хитой тилининг ушбу соҳага оид терминологиясини шаклланиш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиб, қарийб беш минг йиллик тарихга эга. Умуман “дипломатик лексика” деб ўз ичига дипломатик терминлар, сўз бирикмалари, семантик компонентлар ва қолипчи бирикмаларни жамлаган ва дипломатия соҳасида мунтазам қўлланиладиган лексика йиғиндиси, мажмуи назарда тутилади.

Хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг

¹ John Lyons. Language and Linguistics. Cambridge University press. London. 2000., p.31.

лексик қатлами ижтимоий – ҳуқуқий меъёр ва муносабатлар, тилнинг ривожланиш қонунларига мувофиқ равишда тараққий этиб бормоқда. Ижтимоий - сиёсий ва дипломатия соҳасига оид бўлган лексик қатламда янги терминлар, сўзлар, қолипчи бирикмалар, ўзлашмаларнинг сони кўпайиб бориши билан бир қаторда, ўз долзарблигини аста - секин йўқотиб бораётган терминларнинг ишлатилиш тез – тез такрорланиш даражаси камайиб бориши кузатилмоқда. Мазкур лексиканинг тараққиётига лингвистик, интра ва экстралингвистик, трасцентдик, имманент ва бошқа бир қатор омилларнинг таъсири катта. Бу жараёнлар Хитой, Австралия, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Япония ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар илмий марказлари ва университетларида, шу жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ҳам хитойшуносликнинг долзарб масласи сифатида ўрганилмоқда. Умуман олганда ўзбек хитойшунослик фани бой тарихга эга. Шу билан бирга ушбу соҳанинг Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги ютуқлари тарихда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган (1992 йил 2 январь) даврдан бери икки давлат ўртасида 260 дан зиёд икки ва кўптомонлама давлатлар, ҳукуматлар, вазирликлар ва ташкилотлараро ҳужжатлар имзоланган. 2009 йили икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 1992 йилга нисбатан 25 марта ошган. Бу ҳолат ўз навбатида, хитой тилини, унга оид ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларни таҳлил этиш, янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Умуман охириги 20 йил ичида хорижда хитой тилини ўрганиш, унга қизиқиш, тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Хитой маориф вазирлиги берган маълумотларга кўра, хорижий мамлакатларда хитой тилини ўрганувчилар сони 30 млн. кишини ташкил этади. Хитой университетларида ҳар йили 90.000 нафар чет эл фуқаролари хитой тилини ўрганмоқдалар ². Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд, Фарғона университетлари ва бошқа бир қатор ўқув юртларида хитой тили ва хитойшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрланмоқда.

1994 й. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзбек ва хитой тиллари ҳамда бошқа соҳа мутахассисликлари бўйича талабалар алмашинуви ташкил этилган. Охириги йиллар давомида Хитой олий ўқув юртларида 1000 зиёд ўзбекистонлик бакалавр ва магистрлар таълим олиб, малака ошириб қайтганлар. 2006 йилдан Миллатлар университетида (Пекин шаҳри) “ўзбек тили” мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилди. Айни пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва

² Хитой университетларида бир семестр таълим олиш нархи, ўқув юрти жойлашган манзил ва унинг нуфузига қараб, тахминан 1200-3500 АҚШ долларни ташкил қилади.

бошқа бир қатор олий ўқув юртларда хитойлик талабалар, аспирантлар ўзбек тили, адабиёти, тарих, қишлоқ хўжалиги ва техника фанлари мутахассисликлари бўйича таълим олмоқдалар.

Ушбу китобни асосини 2008 й. муаллиф томонидан Тошкент давлат шарқшунослик институтида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя этилган “Хитой дипломатик терминларини лексик - семантик ва структур тахлили” номли диссертация ташкил этади. Ўқув қўлланмадан қўзланган асосий мақсад – хитой тили ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларни диахроник ва синхроник тадқиқ этиш, уларнинг ясаиш усуллари, лексик–семантик, синтагматик, парадигматик, когнитив, структур хусусиятлари, генезиси, трансформацияси ва социолингвистикасини ўрганишдан иборат. Мақсадларидан яна бири - хитой тилидаги ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминлар, ташқи сиёсатга оид ҳужжатларнинг умумий вазифасини қисман тадқиқ этишдан иборат. Қўлланмада ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминлар, сўз бирикмалари илмий компетенцияси, когнитив, парадигматик ва синтагматик жиҳатларини очиқ беришга ҳаракат қилинган. Янги ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларнинг миллий онг билан боғлиқлиги, яъни терминларнинг когнитив тадқиқ қилиш алоҳида ўрин тутди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда кўрсатилган ёрдам, таклиф ва танқидий мулоҳазалар учун Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар муррабийси, филология фанлари доктори, профессор А.М.Маннонов, филология фанлари доктори, профессор О.Н.Шаматов, филология фанлари доктори, профессор Г.Бакиева, филология фанлари номзоди, доцент А.А.Каримов, филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимова, Пекин миллатлар университети профессорлари Ху Чженхуа, Чжан На, Хитой Ижтимоий Фанлар Академияси Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти профессорлари Дунг Сяоянг, Сун Чжуанжен ва бошқаларга чуқур миннатдорлик билдирамыз.

Ўқув қўлланмани илмий, назарий ва амалий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этган, лисоний хусусиятларини ёритишда амалий ёрдам кўрсатган муҳтарам устоз, Ўзбекистон Миллий университети Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудир, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоевга алоҳида ташаккур изҳор этамыз.

«Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси» ўқув қўлланмаси жами 5 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим ўзининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кичик қисмларга бўлинган. Бўлимларда термин ва терминология, Хитой дипломатиясининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати, ХХРнинг Ўзбекистон республикаси билан дипломатик муносабатларининг тарихи ва ҳозирги ҳолати, дипломатик терминлар генезиси, терминларнинг лексик-семантик тахлили, ясаиш усуллари, дипломатик терминларнинг ҳужжатлардаги

формулярлари, ҳужжатлар тилида неологизмлар ва қолипли бирикмаларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилади. Қўлланманинг якунида умумий хулосалар, глосарий, фойдаланган адабиётлар рўйхати ҳамда 5 хил илова қисмлари ҳам мавжуд. Ўқув қўлланманинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил қилган.

Мазкур ўқув қўлланма ушбу соҳадаги дастлабки китоблардан бўлганлиги сабабли, у айрим камчиликлардан холи эмас. Китобнинг тузилиши ва мазмунига тегишли фикр ва мулоҳазаларни қўйидаги манзилга юборишни сўраймиз. 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси 25-уй, Тошкент давлат шарқшунослик институти.

І Бўлим. Термин ва терминология

Дарсинг ўқув мақсади: талабаларда фан бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш, терминология соҳасида ижод қилган олимларнинг асарларини таҳлил қилиш, терминология соҳасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг тилшуносликдаги ўрни ва вазифалари, терминологик системалар, терминларни тадқиқ этиш методлари, ушбу соҳа илмий мактабларини ўрганиш.

Таянч тушунчалар: термин, гносеология, терминология, терминография, контекст, семантика, лексика, функция, дефиниция, когнитив, метасинтаксис, синоним, омонимия, полисемия, компонент, эквивалент, иерархия, стандарт, профессионализм, классификация, типология, унификация, детерминизация, ретерминологизация, ИНКОТЕРМ, ИНФОТЕРМ, когниция, субстанция, идеома, интеграл, диахрония, этимология, психолингвистика, экспрессивизм.

1.1. Асосий тушунчалар. Академик А.Ҳожиев терминга куйидаги дефиницияни келтирган, “Термин (лот. terminus - чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарсалар ҳақидаги тушунчани аниқ ифодаладиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси, атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади”³.

Р.Расулов, Р.Ниёзматова ва Қ.Мўйдиновларнинг “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” китобида “термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир”, деб кўрсатилган⁴.

О.Ахманованинг фикрича, “термин махсус тушунчаларни аниқ ифодалаш ва уларга хос нарсаларни тўғри талқин этиш мақсадида ишлаб чиқилган (қабул қилинган, ўзлаштирилган) тилдаги (илмий, техникавий ва

³ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 104 б.

⁴ Расулов Р. ва бошқалар “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати”. Т.: “Фан ва технологиялар маркази босмахонаси, 2009. - 45 б.

бошқа) махсус сўз ёки сўзлар бирикмасидир ”⁵.

Б.Головин термин тушунчасининг⁷, В.Даниленко эса 19 дефинициясини келтирган⁶.

Умуман, термин тушунчасига оид тасниф ва дефинициялар кўп. Аммо ҳозирги пайтгача термин тушунчасининг халқаро илмий жамият томонидан эътироф этилган дефиницияси мавжуд эмас. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида, албатта, термин тушунчасининг универсаллиги ва унга хос гносеологиянинг мураккаблигидан, деб қабул қилиш мумкин. Демак, термин фалсафий ва гносеологик нуқтаи назардан, бир томондан маълум бир фан ёки соҳада эришилган натижаларни ифода этиб, илмий тушунчани мустаҳкамлаш учун қўлланилса, иккинчи томондан у янги билим соҳаларини яратиш, ихтиро қилиш учун хизмат қилади. Терминни динамик ҳодиса сифатида талқин этиш, унга борлиқни англаш, тушуниш (когниция) жараёнида шаклланувчи ва фикрлаш (концепт) категориясидан, вербал категорияга ўтувчи ҳамда маълум бир фан соҳасига оид назария, концепцияни ифода этувчи субстанция сифатида қараш имкониятини яратади.

Бу концепция таъсирида терминга яна бир, яъни “термин маълум бир тушунчани ифода этади ёки ҳам ифода этади, ҳам англатади”, деган дефиниция бериш мумкин. Терминнинг лингвистик дефиницияси унинг тилшуносликка оид сифатларини ифода этса, мантикий дефиницияси унинг мантиқшуносликка оид хусусиятларини белгилайди.

Мантиқшунослар томонидан “термин” сўзи билан биргаликда “терм” сўзи ҳам қўлланилади. Рус тилида “термин” ва “терм” тушунчалари мавжуд бўлса, инглиз тилида ҳар икки маънони ўзида мужассам этган “term” қўлланилади ва бу сўздан ўз навбатида яна бир неча бошқа маънолар келиб чиқади.

“Терм” (инг. term , фр. terme, лот. terminus “чегара”, кейинроқ – “ифода”, “изоҳ”) мазкур маънода инглизлар томонидан “technical term” сўз бирикмаси билан ифодаланади ва сўз бирикма кўп ҳолларда “техник термин” тарзида таржима қилинади. Аслида бу лексема техника терминини эмас, балки умумий маънодаги терминни билдиради. “Technical” сифати грекча “санъат, мохирлик, касб - ҳунар” семаларга яқин бўлган маънода ишлатилган. Шундай қилиб, “technical term” терминнинг нисбий йўналтирилганлигини кўрсатиш учун қўлланилган⁷.

“Terminus” сўзининг келиб чиқиши юнонча маъноси билан боғлиқ бўлиб:

- пойга майдонидаги охириги устун;
- чегара, якун маъноларини билдиради. Лекин ўзининг

⁵ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1966.- 479 б.

⁶ Головин Б.Н. О некоторых задачах и тематике исследований научной и научно-технической терминологии //Ученые записки. Вып.114. Сер.линг.Горький:Изд-во Горьковс. Ун-та, 1970. - С.18-19

Даниленко П.Н. Русская терминология:Опыт лингвистического описания.М.:Наука, 1977. - С.83-86

⁷ Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – 13 б.

терминологик маъносига бу сўз фақатгина лотин тилида эга бўлган:

- мантикий (дефиницион, номинатив) жиҳат (Д.С.Лотте, В.П.Даниленко, Т.Л.Канделаки): «Маълум бир тушунчалар системасида ўзининг дефинициясини талаб қилувчи сўз ёки сўз бирикмаси термин сифатида қабул қилинади»;
- функционал (контекстуал) жиҳат (Г.О.Винокур, О.С.Ахманова, Б.Н.Головин) «Терминнинг тўла маъноси фақатгина унинг ҳаққоний вазифаси, метасинтаксиси орқали очилади».

Тил кўп жиҳатли ҳодиса бўлиб уни ўрганишда ва тадқиқ этишда турфа қарашлар, фикрлар, фаразлар, баҳслар, хулосалар келиб чиқади. Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: “сўз” ва “термин” бир нарсами ёки ҳар хил маъноларни англатувчи бирликларми?

А.Реформатскийнинг ушбу масала ҳақида билдирган фикри қуйидагича, “Албатта, ҳар бир термин - бу сўз. Лекин ҳар бир сўз термин эмас. Агар сўз фақатгина термин сифатида қўлланилаётган бўлса, у ҳолда унинг “оддий сўз”дан фарқини қидириш бефойда. Бироқ, кўпинча, маълум бир “сўз” гоҳ термин бўлиб қолади, гоҳ термин бўлмайди. Термин кўринишига ушбу сўзлар тузилиши билан мослашиб олади. Сўз терминга айлангач ўзининг синонимлик ва антонимлик хусусиятларини йўқотади”⁸. Бундан ташқари терминга айланган сўз экспрессивлик ва психолингвистикага тегишли бошқа белгиларини ҳам йўқотади. Демак, термин сўз бўла олади, бироқ ҳар қандай сўз термин бўла олмайди. Сўз ўзи изоҳлаётган тушунчанинг талабини, эҳтиёжини тўла қондириб, у ҳақидаги маълумотни имкон қадар мужассам қилган бўлиши лозим. Акс ҳолда у сўз сўзлигича қолаверади. Сўз терминга айлангач, унда терминга хос хусусиятларнинг вужудга келиши табиий.

Термин - сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, у имкон қадар аниқ ва бир маъноликка интилади. Термин синонимлик ва антонимлик хусусиятларга эга эмас. Бироқ маълум бир тушунча айрим вақтда бир нечта термин билан ҳам ифода этилиши мумкин. Оддий сўз учун ташқи шакл муҳим бўлса, термин учун биринчи ўринда унинг мазмуни, маъноси ва семантик моҳияти аҳамиятлидир. Шакл термин яратилишининг бошланғич пайтида у қадар аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу жиҳат терминнинг умумий лексикадан фарқини белгилаб беради. Сўз учун унинг жаранглаши, яъни товушлар билан ифодаланиши, мазмуни ва номланаётган нарса-буюм ўртасидаги боғлиқлик бир бутунлик сифатида гавдаланади. Лекин терминда бундай бутунлик ва яхлитлик кузатилмайди. Масалан, агар гап терминнинг лексик ёки синтактик боғланишлари ҳақида кетса, термин бу ўринда сўз сифатида қабул қилинади. Лекин терминнинг тушунча билан боғлиқлиги ҳақида гап кетса, бу ўринда термин сўзга қарама – қарши

⁸ Реформатский А.А. Введение в языкознание.- М., 1955- 115 б.

қўйилиб, унинг тушунчаси махсус тушунча сифатида умумий тушунчага зид бўлган тарзда қабул қилинади. Бу эса «термин-тушунча» ва «термин-сўз» компонентларни фарқлашни тақозо этади.

“Термин-сўз” ва “термин-тушунча” бир нарсга эмаслиги ҳар хил тиллардаги бир фаннинг терминлар системасини таққослашда намоён бўлади, зеро бу тилларда бир тушунча турли сўзлар билан ифодаланади. Масалан: рус тилида “посол”, ўзбек тилида “элчи”, хитой тилида «大使».

Цзинь Шаочжи, Чжу Дэси, Чжан Шилу, Ли Цзиньси, 术语 “термин” таркибига мақолларни, маталларни, афоризмларни, ҳикматли сўзларни, фразеологизмларни ҳам киргизганлар⁹.

Юқорида келтирилган дефинициялардан “термин” учун умумий таъриф йўқлиги кўриниб турибди, деса бўлади. Турли касб эгаларида “термин” билан боғлиқ бўлган турлича тушунчалар ва ёндошувлар вужудга келган. Масалан, мантикий термин деганда дефиницияси белгиланган ҳар қандай сўз тушинилиши мумкин. Терминни бундай тарзда қабул қилиш Платон даврида илм-фан соҳасида вужудга келган бўлиб, бу бир неча минг йиллик тарихга эга. Файласуфлар терминни дефинициялар қисқаруви, деб тушунишади ва термин ва дефиниция ўртасида “=” белгисини қўйишади. Тилшунослар томонидан бу ўринда “=” белгиси қўлланилмайди, чунки термин – бу тушунчанинг номи, дефиниция эса ушбу номнинг кенг қамровли таърифидир. Лингвист баъзи ҳолларда ўзлаштирилган сўзни “термин” деб билади, чунки тилнинг луғавий таркибида ўзлаштира “ўзга”лиги билан ажралиб туради¹⁰.

Термин – маълум вазиятларда ва маълум мақсадларда концептуал маънони ифода этиш мақсадларида қўлланиладиган, фан ва сиёсий ижтимоий (касбий) фаолиятда ўрнатилган тартибда қабул қилинган махсус сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминни маълум доирадаги касбий билимларнинг тушунчалар системасига кирган тушунчанинг сўз билан ифодаланиши, ёки маълум мақсадга қаратилган тилнинг энг асосий тушунча бирлиги, дейиш мумкин¹¹.

Илмий – техник ва ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришлар янги фанлар ва янги тушунчаларни юзага келтирмоқда. Бу ҳолат янги терминларнинг пайдо бўлишида сабаб бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жараёнларни биринчи босқич, деб қабул қилиш мумкин. Фан, техника, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси ўзининг алоҳида термин тизимини яратиш жараёнини эса иккинчи босқич, деб ҳисобласа ҳам бўлади. Бу тизим маълум бир касб, соҳа ёки билимга оид тушунчаларни тил орқали ифода этишга қаратилган. Ҳозирги кунда терминни унинг

⁹ Cihai. – Пекин, 1995. - 1572 б.

¹⁰ Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – 11 б.

¹¹ Ўша манба. – 14 б.

қандайдир бир қатъий белгисини илгари сурган ҳолда изланишлар объекти сифатида турли томонлама шарҳлаш анъанаси вужудга келмоқда.

Масалан, А.Реформатский фикрига кўра, соф терминлар вазифасини от туркумидаги сўзлар бажаради¹². Турли шаклдаги терминларга ўз қарашини билдираётганда, олим терминлар вазифасида ўзлашмалар, халқаро сўзлар, шунингдек сунъий (ясама) сўзлар ҳам келиши мумкинлигини таъкидлаган. Исталган сўзнинг термин даражасига кўтарилиши учун, биринчи навбатда у аниқ бир дефиницияга эга бўлиши лозим. Ушбу дефиниция семантик маънони тўлиқ ифодабгина қолмай, аниқ чегараланган тушунча доирасисига эга бўлиши зарур. Айти пайтда терминнинг умумий лексика таркибидаги омонимларидан алоҳида туришини таъминлаши лозим.

Сунъий ясалган сўзлар ҳам термин бўлиши мумкин. Термин дефиницияси объект ҳақида умумий тушунча (маъно) беради. Объект конкрет моддий ёки мавҳум назарий бўлиши мумкин. Дефиниция у аниқлаётган ёки тўлиқ ифода этаётган объектнинг семантикаси билан эквивалент бўлиши талаб этилади. Маълум бир термин дефиницияси ижобий бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳолларда салбий бўлмаслиги керак. Илмнинг баъзи бир янги соҳалари терминнинг ўрнида вақтинча дефиниция ҳам қўлланиши мумкин. Иқтисод, фан ёки техниканинг баъзи бир соҳаларини, масалан, ядро физикаси, информатика, электроника, биология, медицина, кимё, нанотехнология, банк ва молия соҳаларининг жадал суратлар билан тараққий этиши, ўз навбатида, оммавий матбуот, радио, телевидение, газета, журнал, интернет ва ҳ.к.да бу ҳақидаги маълумотларнинг мумкин қадар катта ўрин эгаллай бошлашига сабаб бўлади. Бу каби жараёнлар махсус терминлар қўлланиш доирасининг кенгайишига олиб келади. Бундай ҳолларда баъзи бир терминлар ўзининг илмий аниқлигини қисман ёки мутлоқо йўқотади. Бу жараён детерминизация, деб номланади. Махсус қўлланиш соҳаларида ва ўз системасида термин мавқеини сақлаб қолади. Аммо умумий фойдаланиш майдонида уларнинг “шериклари”, омонимлари фаоллик кўрсата бошлайди. Бу “шериклар” ёки “йўлдошлар” тизимлик ва илмий аниқликка эга бўлмайдилар. Улар одатга кирадилар, ўзларига эмоционаллик, экспрессивлик, стилистик, апеллятив деривация хусусиятларини қабул қиладилар. Масалан, 1970-1980 йилларда бундай терминлар қаторидан «ядро», «ген», «лазер», «атом», «спутник», «лунаход» ва бошқалар ўрин олган эди.

Детерминизация натижасида термин ўзининг аниқ концептуаллик, системлик, дефинитив ва яхлит маънолик хусусиятларини йўқотиб, соддалашган шаклга келади ва умумий лексика майдонида ўз ўрнини топишга, яъни локализация сари ҳаракат қилади. Бундай сўзлар

¹² Реформатский А.А. Мысли о терминологии / Современные проблемы русской терминологии /. – М., 1986.- 113 б.

дефиницияга мухтожлик сезмайди ва умумий лексика сўзларига талаб қилинган изоҳга ўрин қолмайди.

Бир соҳага тегишли терминларни, тўлиқ ёки қисман таффаккур этиб, бошқа соҳа учун татбиқ этиш ретерминологизация, деб номланади (м. калька, дифференциал ва б.)¹³.

1.2. Терминологик системалар. Юқори даражада тараққий этган ва маълум бир системада шакллантирилган терминологиясиз, фан ва техника тараққиётини тассаввур этиш мумкин эмас. Шу сабабли умумий бир томондан терминологиянинг, иккинчи томондан эса ўзбек ва хитой дипломатик терминологиясининг назарий ва амалий масалаларини янада чўқурроқ ўрганиш, хитой тили ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминлар генезиси, яратилиш ва қўлланиш қонуниятларини тадқиқ этиш илмий - амалий аҳамиятга молик долзарб масала деб ўйлаймиз. Бу соҳага тегишли ҳар қандай терминологнинг қуйидаги босқичлари мавжуд.

1. Асосий тушунчаларни тилшунослар ва мантиқшунослар билан ҳамкорликда терминлаштириш.

2. Маълум бир тилда фойдаланишда бўлган терминларни нормалаштириш.

3. Янги терминларни тузиш масалаларига оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Зикр этилган вазифалар соҳа мутахассислари томонидан тилшунослар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

Биринчи босқичда фойдаланишда бўлган барча лексемалар маълум бир тизимга келтирилади. Сўнгра улардан энг кераклиси, энг маънолиси ва кейинги босқичларда улар асосида янги лексик бирликлар ҳосил қилиш имконияти борлари танлаб олинади. Иккинчи босқичда мавжуд бўлган моделлар асосида янги терминлар тузиш, уларни системага солиш, тилга киритиш методлари ишлаб чиқилади. Агар ишлаб чиқилган терминлар қонун асосида амалиётга киритилса, уларни расмий ҳужжатларда қўллаш мажбурий тус олади. Терминларнинг фан ва ишлаб чиқариш талабларига мослигини таъминлаш мақсадида термин системалари бот - бот назардан ўтказиб турилади. Масалан, Европа терминологлари кўп йиллик тажриба натижасида маълум бир тилда керакли сўз бўлса, халқаро сўзларни заруриятсиз ушбу тилга киритмасликни лозим, деб топдилар. Синонимларни ҳам йўқотиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қабул қилинган. Агар бир маънони ифода этиш учун икки ёки ундан ортиқ термин қўлланилаётган бўлса, бундай ҳолнинг сабабини ўрганиш лозим. Бу ишларни амалга оширишда, маълум бир соҳа учун терминологик луғатлар тузиш, яъни бир тиллик изоҳли луғатлар, икки тилда таржимали луғатлар (эквивалент терминлар тизими) терминшунослик соҳасида алоҳида

¹³ Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990. - 508с.

аҳамият касб этади. Масалан, ҳозирги рус тилининг 17 томлик академик луғати 130000 сўзларни қамраб олган. Ваҳоланки, 1982 йилда нашр этилган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Бутуниттифок классификаторида 24 млн. термин қайд этилган. Фақат кимё соҳасида 3 млн. кўпроқ терминлар қўлланилади. Ҳисобларга қараганда, маълум бир тил чегарасида махсус лексик бирликлар сони, номахсус лексик бирликлар сонидан икки даража (MLBS² > MLBS) юқори. Бундай луғатларнинг асосий қисми системалик жараён асосида тузилади ва терминларнинг семантик иерархиясини акс эттиради¹⁴. Алифбо таркиби ҳам семантик иерархия тамойилига келтирилади. Шу сабабли кўп тиллик луғатлар тузиш мураккаб масала ҳисобланади.

4. Миллий ва халқаро даражада терминологик системалар махсус қолипга туширилади ва стандартлашади. Бунинг асосий сабаби шундаки, баъзи ҳолларда бир хил сўзларнинг маъноси ҳар вақт ҳам бир бирига тўғри келмайди. Ҳозирги даврда 60 мамлакатда стандарт масалаларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш соҳасида давлат қўмиталари мавжуд ва улар минглаб мутахассисларни жалб қилган ҳолда терминшуносликнинг стандартлаштириш масалалари устида иш олиб борадилар.

5. Халқаро савдо палатаси, масалан, халқаро савдо қоидалари терминларини изоҳлайди. Бу терминлар тўплами халқаро Ишчи гуруҳ мажлисларида кўриб чиқилади. 2000 йилнинг 1 январидан Халқаро савдо қоидалари “ИНКОТЕРМС” терминлари изоҳи қабул қилинган ва алоҳида бир китоб сифатида барча мамлакатларда бир хилда, бир маънода қўллаш учун тақдим этилган. Бу терминлар мажмуаси халқаро савдода харидор ва сотувчининг маълум бир маҳсулотни транспортда юбориш, юклаш, сақлаш, транспорт ҳақларини, шу жумладан, божхона ва бошқа харажатларни тўлаш, манзилга ёки чегарага пунктигача етказиб бериш ва бошқа барча операцияларни бажариш билан боғлиқ барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ифода этади ва изоҳлайди. Бу терминлар қисқача қуйидаги гуруҳларга тақсимланган:

EXW ФРАНКО ЗАВОД (... манзил номи)

FCA ФРАНКО ТАШУВЧИ (... манзил номи)

FOB ФРАНКО БОРТ (... манзил номи)

CFR НАРХ ВА ФРАХТ (...мўлжалланган порт номи)

CIF НАРХ, КАФОЛАТ ВА ФРАХТ (...мўлжалланган порт номи)

CPT ФРАХТ (транспорт харажатлари маълум манзилгача тўланган)
(... мўлжалланган манзил номи)

CIP ФРАХТ ВА ТАШУВ ВА КАФОЛАТ МАЪЛУМ ЖОЙГАЧА

¹⁴ 哈斯莫娃“ 汉乌俄外交词典 ” – 中国，黑龙江，2004. - 328。

ТЎЛАНГАН (...мўлжалланган манзил номи)

DAF ЧЕГАРАГАЧА ЭЛТИБ БЕРИШ (етказиб бериш жой номи)
ва бошқа¹⁵.

6. Халқаро стандарт ташкилоти (ISO) стандартлаштириш ишларини мувофиқлаштиради. Терминология масалалари устида мазкур ташкилотнинг техник қўмитаси ISO/TC-37 «Терминология (тамойиллар ва мувофиқлаштириш)» иш олиб боради. Терминшуносликнинг махсус масалалари буйича 1977 йилдан бери мунтазам равишда халқаро симпозиумлар ўтказилади.

7. Тараққий этган мамлакатларда терминология соҳасида ташкил этилган махсус ахборот банклар фаолияти «Эуронет» (Euronet European Information Network) Бирлашган информация системаси томонидан амалга оширилади. Бу система воситасида маълумотлар алмашинуви, библиографиялар тузиш жорий қилинган. Терминология соҳасидаги маълумотлар алмашинуви ИНФОТЕРМ ташкилоти томонидан бажарилади.

8. БМТ ҳузурида 100 зиёд терминшунослик ишчи гуруҳлари фаолият олиб боради ва илм, фан, технология, иқтисодий ҳамкорлик, инвестиция, экология, савдо, молия, банк, божхона, инфраструктура, логистика, транспорт ва коммуникация, энергетика, информатика, социология ва бошқа соҳалар учун терминлар мажмуасини яратади ва терминлар глоссариясини ўрнатилган тартибда нашрдан чиқаради.

Масалан, 2008й. БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси “Trade Facilitation Terms: An English – Russian Glossary” номли китобни нашр этган. Европа Иқтисодий Комиссияси Ижроия Котиби Марек Белька бу қўлланмани мутахассилар учун халқаро стандартларга асосланган ва савдо жараёнларини такомиллаштириш ва енгиллаштириш мақсадларида ишлаб чиқилган маълумотнома сифатида тақдим этган. Китоб 838 терминни қамраб олган¹⁶.

1.2 “Термин” 术语 сўзига хитой тилшунослари томонидан қуйидагича таъриф берилган: “Терминлар - бу фан, техника соҳасида қўлланилувчи махсус сўзлардир. Фан ва техниканинг ҳар бир соҳасида кўплаб терминлар ишлатади. Ҳар бир термин фан ва техника доирасидаги маълум бир маънони ифодалайди. Хитой тилшуносларининг фикрича, терминнинг оддий сўздан фарқи унинг қўлланилиш доираси чекланганлиги ва аниқ тушунчани ифодалашидадир. Хитой тилида ҳам терминлар синонимия, омонимия ва экспрессивлик сифатларига эга эмас”¹⁷.

Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар хитой тилининг махсус

¹⁵ “ИНКОТЕРМС”: Международные правила толкования торговых терминов. - М.: “ОМЕГА - Л”, 2008. - 76 с.

¹⁶ Trade Facilitation Terms: An English-Russian Glossary. UN New York and Geneva, 2008. - 254p.

¹⁷ 语言学名词解释。 - 北京。商务印书馆，1960。 - 57-6.

лексикаси таркибига кирувчи профессионализмлар 行业语 hangyeyu қатламига оиддир. Профессионализмлар 行业语 – бирор бир касб ёки хунарга тегишли сўз ва сўз бирикмаларидир. Мисол учун, дипломатия соҳасидаги сўзларга ишонч ёрлиғи, меморандум, нота, атташе, элчихона, консул, элчи, котиб, демарш каби терминлар киради ¹⁸.

В.Кодухов таклиф этган таърифга кўра, «Профессионализмлар – у ёки бу касб намоёндалари томонидан сўзлашув жараёнида қўлланиладиган сўзлар ёки иборалар, уларнинг маънолари ва талаффузи. Албатта, терминлар ҳам профессионализмларга айланиши мумкин, айниқса тор доирадаги терминлар. Бироқ профессионализмлар нафақат тор доирадаги терминларни ифодалаши, хунармандчилик соҳасида ишлаб чиқариш предмети сифатида қўлланилиши, балки кенг доирада ишлатилмаслиги ва адабий мезонларга эга эмаслиги билан ҳам характерли. Шу сабабли, профессионализмлар ўрнида синонимик терминларнинг, диалектизмлар ва жаргонизмларнинг қўлланилиши учрайди» ¹⁹.

Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ривожланишига давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий, савдо ва иқтисодий, сармоя, молия, илм, фан, санъат ва маданият, соғлиқни сақлаш, коммуникация, транспорт, таълим ва туризм, экология ва бошқа соҳалардаги алоқалари, давлат томонидан олиб борилаётган тил сиёсати каби омиллар, интра ва экстралингвистик сабаблар ҳам таъсир этмай қолмайди ²⁰. Бу эса терминшунослик ва умумий терминлогия соҳалари учун долзарб ва комплекс вазифаларни келтириб чиқаради.

1.3. Терминология: умумий тушунчалар. А.Баранов фикрича, “терминология остида кенг маънода табиий тилдаги барча терминлар соҳаси, тор маънода эса аниқ бир фан ёки бирор бир соҳа терминлари тушунилади” ²¹.

В.Лейчик терминология предметлари қаторига термин тушунчаси, терминнинг когнитив ва формал структураси, термин функциялари системаси, терминлар классификацияси ва типологияси, терминларни яратиш, ривожлантириш хусусиятлари ва бошқаларни киритишни маъқул кўради ²².

С.Акобиров терминология “тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексика” бўлса, “кенг маънода умумий луғат таркибининг айрим

¹⁸ 小学教师适用语文字典。 - 北京。商务印书馆，1999。49 –6.

¹⁹ Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М: «Просвещение», 1979. – С.207

²⁰ Носирова С.А. Новые слова и устойчивые сочетания в языке дипломатии КНР.// ТашГИВ«Востоковедение». - Т.,2006.

²¹ Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику: Изд. 2 е доп. М.:Едиториал УРСС,2003. – 89 с.

²² Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы и структура.М.:Издательство ЛКИ,2007. – 256 с.

соҳаларида ишлатиладиган қисмидир”, деб кўрсатиб ўтади ²³.

Р.Расулов, Р.Ниёзматова, Қ.Мўйдиновларнинг “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” китобида терминология муайян фаннинг тушунчалар системаси билан ўзаро муносабатда бўлган терминларнинг жами сифатида тарифланади ²⁴. Мазкур муаллифлар ҳар қандай тушунчалар системасига муайян терминлар системаси тўғри келади, деб таъкидлайдилар. Албатта, ягона бир тил назарияси чегарасида терминология алоҳида терминлар системасини ташкил этиши мумкин. Бундай ёндошув терминлар учун бошқа бир дефиниция келтиришга асос бўлади, яъни “терминлар - бу мегадил системасида бирор бир фан ёки соҳага тегишли сўзлар ва сўз бирикмаларидур”.

Терминология (termin+logos – сўз, таълимот) бошқа бир дефиницияга қараганда бирор илм, касб ва бошқа соҳаларга оид терминлар мажмуи ҳамда тилшуносликнинг терминларни ўрганиш бўлимидир ²⁵.

Терминология деганда, маълум бир илм, фан ёки соҳа терминларининг мажмуи, ҳамда терминларни пайдо бўлиши, тузилиши, уларни таркиби ва функциялари ҳақидаги билим тушунилади ²⁶. Умумий терминология назарияси предметига инсоният томонидан тўпланган билимларни жамлаш, ифода этиш, терминларнинг тузилиши, ишлатилиши, терминологик системаларни такомиллаштириш, янги терминлар ва термин системаларини тузишнинг оптимал метод ва усулларини яратиш, билимнинг ҳар хил соҳаларга оид бўлган терминларни универсаллик хусусиятларини излаб топиш ва бошқа вазифалар киради. Шу билан бирга терминологик бирикмаларни кўп лексемалиги, яъни улар компонентларининг сони бир нечтагача бўлиши тилшунослар учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Терминология ҳар бир миллат тилининг маълум бир илм, фан, касб, (масалан дипломатия), ишлаб чиқариш билан узвий равишда боғлиқ алоҳида бир сегментини ташкил қилади. Бундан келиб чиқиб, тил термин орқали ҳар қандай билим соҳасининг структур элементини ташкил этади, деса бўлади. Ҳар қандай фан, агар у чуқурроқ “фан” соҳасини ташкил қиладиган бўлса, унинг структурасида тил (термин)нинг ўрни шунча кўп ўрин эгаллайди, яъни тўғри пропорционал боғланиш кузатилади. Термин учун биринчи навбатда илмийлик хусусияти доминантадир ва у, авваломбор, маъно таркибига қараб ажралиб туради. Фанни терминсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро фаннинг “ҳаёти”, унинг фаолияти, ривожланиши, тараққиёти термин орқали ифода этилади. Термин кўп

²³ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари.Т.: 1992. - 151 б.

²⁴ Расулов Р. ва бошқалар “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати”. Т.: “Фан фа технологиялар маркази босмаҳонаси, 2009. - 44 б.

²⁵ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2002. – 104 б.

²⁶ Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларининг таҳлили //Ж. Шарқшунослик. - Т.,2005- № 2.

ҳолларда фан тараққиётида янги соҳаларни очиб бериш учун ҳам хизмат қилади. Назария терминлар воситасида экспериментга, илмий тажрибага асос яратади ва туртки бўлади. Аммо, муайян ҳолатларда баъзи терминлар фан тараққиётини тўсиб туриши ҳам кузатилади ²⁷. Тил фанга терминология орқали ва терминология базаси воситасида киради. Терминлар ижтимоий хусусиятига эга. Терминология, терминлар ва уларга оид системалар ёрдамида илмий назариялар, қонунлар ишлаб чиқилади ва шу сабабли улар фан ва техниканинг муҳим ажралмас қисмини ташкил этади.

Ҳар қандай термин маълум бир фан, техника, ишлаб чиқариш ёки бошқа бир соҳага тегишли терминологик системанинг аъзоси бўлади ва унинг концептуал маъноси ушбу системадаги ўрни билан белгиланади. Бир соҳанинг терминлари қаторида ҳар бир термин ўзининг дефинициясига эга (аниқ илмий тасниф) бўлади. Шундан маълумки, бир терминология майдонида терминлар бир хил семантикага эга бўлади, яъни айтилиши бир термин, бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Бу ҳолатларни омонимияга тегишли ҳодиса, деб қабул қилиш мумкин, зеро бу полисемия кўриниши эмас ²⁸. Масалан, “тўлқин (волна)” термини бир пайтнинг ўзида гидравлика, геофизика, информатика, гидрогеология, сейсмология, электроника, радиотехника, теплофизика, молия, радиофизика, радиобиология, метеорология, ядро физикаси, оптика каби соҳаларда қўлланади. Умумий лексикага зид ўлароқ терминлар маълум бир илмий концепт билан боғлиқ бўлиб, улар воситасида назарий қарашлар ва илмий изланишларнинг аниқ натижалари ифода этилади. Терминология системасига оид лексикада экспрессив маънони ифода этувчи терминлар қўлланилмайди. Лекин бошқа соҳаларда, масалан, адабиёт, санъат, архитектура, маданият соҳаларида бундай ҳоллар мавжуд бўлиши мумкин.

Жаҳонда 20000 дан зиёд терминологик стандартлар қабул қилинган. Махсус терминологик стандартлар давлат муассасалари, ваколатли идоралари, ташкилотлари, халқаро ташкилотлар (жаҳонда 50000 зиёд халқаро ташкилотлар мавжуд), корпорация, компания ва фирмалар томонидан ишлаб чиқилади. Шундай шароитда терминларни ва терминологик системаларни ташкиллаштириш ва унификация қилиш масалалари долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бу муаммоларни бир қисми лингвистик терминология фани доирасида ўрганилади.

Терминлар ва терминологик системалар ривожланиш даражаси ва суръатларининг замонавий алоқа тизимлари, биринчи навбатда, Интернет тизими талабларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, Интернет

²⁷ Ўзбек тили атамашунослиги.. т.: Фан.1992. - 216.

²⁸ Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларини ўқитишнинг ўрни ва аҳамияти.// ЎзЖТУ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари даражасидаги чет тили ўқитишнинг долзарб муаммолари” деб номланган илмий-амалий анжумани материаллари тўплами».- Т.,2005.

қидирув системалари (Aport, Ask, Altavista, Aol, Britannica, Google, Myway, Meta, Mail, Ragy, Rambler, Search, Yahoo, Yandex ва ҳ.к.)да бирор бир термин ёрдамида аниқ бир маълумот излаб топиш мураккаблашиб бормокда. Масалан, бир термин асосида берилган қидирув топшириғига Интернетнинг асосий қидирув системалари кам деганда 200000 информация базаларини (сайт) таклиф этиши мумкин. Ҳар ҳар бир сайтга кириш, у билан танишиш учун ўртача 1 дақиқа сарф қилинса, ҳамма сайтларни кўриб чиқиш учун 27 кун керак бўлади. Бу ҳодисани фақат ахборот ресурсларининг тез суръатлар билан ўсиб бориши билангина изоҳлаш мумкин эмас, албатта. Терминологик системаларни унификациялаштириш ва системалаштиришни нисбий камчиликлари, бир термин ҳақида Интернет тизимида берилган буйруқнинг ижро этиш (қидирув) жараёнида маълумотлар спектрининг кенгайиб кетишига олиб келмокда.

Юкорида айтиб ўтилганидек, терминларни ўзигагина хос хусусиятларни, сифат ёки белгиларни, умуман терминлик мақомни йўқотиш ҳодисаси детерминизация, деб қабул қилинган. Детерминизацияга учраган терминлар адабий тилнинг лексик системасига интеграллашади. Терминларнинг детерминизация жараёнига учраши тилда кучли экспрессивлик хусусиятига эга бўлган тил бирликларининг воқеланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, физика фанига оид “черная дыра” шу номдаги идиоманинг келиб чиқишига асос бўлган.

(1)(...) жуда ҳам кучли қиздирилган газнинг туфон таъсирида “черная дыра”га тушишида унинг нурланиш ҳодисаси кашф этилган. (Физикадан энциклопедик луғат).

(2) ЕИЖ ва хориж, бизнинг “черная дыра”ни ҳеч нарса билан қоплаш мумкин эмаслигига амин бўладилар. (“Столица” газетаси).

Терминларнинг фақатгина ўз хусусиятларини, сифатларини йўқотиб, терминлик мақомидан чиқибгина қолмай, балки бошқа бир фанга ўтиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу жараён ретерминизация, деб номланади²⁹.

Терминшуносликнинг ютуқлари, баъзи ҳолларда маълум бир давлатнинг манфаатларини таъминлашда хизмат қилади, ушбу мақсад учун ҳуқуқий замин яратади³⁰. Терминшунослик масалаларига юзаки ёндошув маълум бир давлатнинг халқаро алоқаларида муаммолар келтириб чиқариши, унинг манфаатларига салбий таъсир этиши мумкин.

²⁹ Носирова С.А. Хитой дипломатик терминларининг лексик - семантик ва структур таҳлили.: филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти.2008. - 24б.

³⁰ Носирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларнинг ясалишида феъл-объектли модел.// Хитойшунослар илмий анжумани тўплами.- Т.,2006.

1.4.Терминларни тадқиқ этиш методлари. Терминларни лингвистик методлар ёрдамида тадқиқ қилиш (уларнинг тил субстрати ёки ўзига хос терминологик хусусиятлари)да асосан икки ёндошув кузатилади.

Биринчи ёндашув. Терминларнинг семантикаси ва формал структураси тадқиқ этилади, сўнгра эса уларнинг умумий белгилари аниқланади.

Иккинчи ёндашув. Терминлар маълум бир умумий хусусиятлар замирида (терминология ва терминологик системалар) тадқиқ этилади. Сўнг уларнинг умумий ва ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, маъновий, мантикий, мазмуний ва формал алоқалари аниқланади.

Лингвистик методларни қўллаш ёрдамида лексик бирликдан босқичма - босқич лексик бирикмалар мажмуасига ёки лексик бирликларнинг умумий, яъни типологик хусусиятларидан уларнинг фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятларини тадқиқ этишга ўтилади.

Терминлар маъносини тадқиқ этиш, қисман умумлингвистик тадқиқ методларига яқин бўлиб, қисман терминлар соҳаси учун алоҳида яратилган. Умумий тадқиқ услубларни икки турга бўлишимиз мумкин.

I. Компонент таҳлил (сема, маъно, ташкилий бўлақлар, қисмлар таҳлили) ³¹.

II. Семенатикани икки компонентга, яъни предмет ва маъно (ҳажм ва маъно) ажратишдан иборат бўлиб, иккинчи компонентга бир қатор хусусиятлар (семантик элементлар) мажмуи, яъни бу предметни бошқа кўп предметлардан ажратиб турувчи сифатида қаралади. Бу комбинатор таҳлил усули деб аталади. Терминлар мажмуаси тадқиқи ҳам алоҳида олинган бир терминни, унинг аспектларини ўрганиш каби амалга оширилади: терминнинг маъно плани ва ифода плани. Аммо терминологик мажмуалар, жумладан, ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларни тадқиқ қилиш методлари алоҳида олинган бир терминни тадқиқ қилиш методларига нисбатан кам ишлаб чиқилган ³². Умумий тилшуносликда терминлогия асосан қўйидаги методлар воситасида тадқиқ этилади:

1. Тарихий - тасвирий метод илмий ёки техник терминологиянинг яратилиш жараёнини тўлиқ кўриш имконини беради (масалан, ихтиология, физика, география терминлари тадқиқи).
2. Компонент таҳлил тўлиқ мажмуа учун қўлланилиб, умумий семани аниқлашга хизмат қилади.
3. Семантик кўпайтирмалар методи маълум семаларни априор ёки интуитив белгиламасдан, матн ва сўзлар маъносини семантик тадқиқ асосида белгилаш имконини беради ³³.

³¹ Ахманова О.С. и др. Основы компонентного анализа: Учебное пособие/ Ахманова О., Глушко М., Гюббенет И., Долгополова И., Лысено В., Медникова Э., Михедова Л., Тимпко Л. М.:Изд-во Моск.ун-та,1969. -98с.

³² Носирова С.А. Хитой тили дипломатик ҳужжатларида қўлланилувчи протокол формулалар.// ТошДШИ"Шарқшунослик"илмий журнали. - Т.,2006. – Б.19-24.

³³ Пшеничная Л.Э. Об одном методе выявления и представления структуры значения термина. Автореф.дис.

4. Дефиницион метод терминлар маъносини мантикий–лингвистик анализ ёрдамида аниқлаш ва боғлиқлик графикасини тузиш имкониятини яратади. Методнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг ёрдамида семантик кўпайтирмалар тузилмайди, балки яқин терминларни уларни дефиницияларида тасвирланган маънолар хусусиятлари таққосланади³⁴.
5. Дистрибутив метод матнларда, жумладан, дефиницияларда маълум бир терминларнинг биргаликда келиш частоталарини ўрганишга асосланган.
6. Маълум бир лексик бирликларнинг формал парадигмасини тузиш методи. Бу метод маълум бир терминология синфига тегишли бўлган, масалан, геологияда префиксал тузилмалар ва кимё фанида аффиксал тузилмалар парадигмасини тузиш орқали амалга оширилади.

Терминшунослик соҳасига оид тадқиқодларда бундан ташқари фундаментал ва лингвистикага яқин бўлган фанларда қўлланилиб келинаётган методлар ҳам кўп ишлатилади. Бу биринчи навбатда фалсафа, системология, гносеология, когнитив лингвистика ва когнитив семантика, мантиқ, этимология, классификация назарияси, умумий математика, математик статистика, герменевтика, семиотика, синтактик, семантик, прагматик, сигматик семиотика, статистика, моделлаштириш назарияси, кластер таҳлили, информатика, кодлаштириш назарияси, стандартизация назарияси, компьютер лингвистика ва бошқалар³⁵.

...канд.филол.наук.Киев.:1968. -20с.

³⁴ Шелов С.Д.Определение терминов и понятийная структура терминологии. СПб:Изд-во Сп. Ун-та.,1998. - 234с.

Шелов С.Д. Родовидовые определения и родовидовая иерархия терминологических понятий (на материале определенных лингвистических терминов) // Вопросы языкознания, 1996.№ 6. - С.72-83.

Шилова Е.В. Терминологическая дефиниция как метатекст в русско-язычной и англоязычной научно-технической литературе. Автореф. дис.... канд.филол.наук.Екатеринбург: 2005. - 24с.

³⁵ Лингвисты не могут убедительно объяснить, почему примитивные племена используют сложные языки. В недавно опубликованной работе Гэри Лупяна, психолога из Университета Пенсильвании, и его коллеги Рик Дейли выявлена связь между грамматикой языка и количеством говорящих на нем людей. Чем их больше, тем проще язык, считают они. Лупян и Дейл сравнили 2236 языков по специальной шкале, в которой учитывались особенности грамматики. Например, количество времен, падежей и родов. Чем больше приставок, суффиксов и окончаний приходится использовать в языке для выражения этих категорий - тем он сложнее.



Маълумки стандартизация назарияси, асосан прескриптив методлар воситасида халқаро, маълум бир минтақа, давлат, соҳа ёки маълум бир компания доирасида бир неча ўн минг терминологик стандартлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги терминшунослик назариясининг асосий муаммолари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин.

1. Термин моҳияти.
2. Термин ва дефиниция.
3. Терминнинг формал структураси.
4. Янги терминлар яратиш муаммолари.
5. Терминосистемалар моҳияти.
6. Терминологик системалар тараққиёти ва илм-фан ривожланиши.
7. Терминосистемаларнинг лисоний тарққиёти.
8. Терминологияда табиий, сунъий ҳамда онгли ва ноонгли ҳолатлар.
9. Терминлар соҳасида вариантлик ва уларнинг чегараси.

10. Терминларнинг функционал ва фиксация соҳалари.
11. Термин ва матн.
12. Терминшунослик фан сифатида.
13. Назарий терминшунослик структураси.
14. Нисбий терминшунослик.
15. Тарихий терминшунослик.
16. Терминшунослик қонунлари ³⁶.

Мазкур ўқув қўлланмада хитой дипломатик терминологияси кўрсатиб ўтилган методлар воситасида тадқиқ қилинди.

1.5. Терминшунослик илмий мактаблари. XX асрга келиб терминшунослик соҳасидаги тадқиқот ишлари кенг ривожланди. А.С. Герд, О.Вюстер, Д.С. Лотте, Э.К. Дрезен, Б.Н. Головин, С.В. Гринев, В.П. Даниленко, Т.Л. Канделаки, В.М. Лейчик, В.Н. Прохорова, А.В. Суперанская, В.А. Татаринев, Г.О.Винокур, В.В. Виноградов, Г. Рондо, В.П. Петушков, И.П. Смирнов, П.Н. Денисов, А.А. Реформаторский, Л.И. Скворцов, А.И. Моисеев, Л.М. Алексеев - умумий терминология, А.С.Волоскова, Е.М.Иссерлин, Ф.П.Сергеев, А.М.Сабенина, Э.М.Шпанова, М.В. Антонова, С.В. Гинёв, Л.Л. Кутина, В.В. Акуленко, Х. Фольбер, Б.Н. Мадсон, Х.Э. Томсен, Л. Хоффман, Х. Сайгер ва бошқалар муайян соҳа терминшунослигида алоҳида аҳамиятга эга илмий ишларни амалга оширдилар.

Умуман, терминшунослик соҳасида Москва (В.Даниленко, Е.Толикина, П. Денисов, Т. Канделаки), Санкт-Петербург (Л.Кутина, Е. Чупилина, Е. Коновалова), Киев (Э.Скороходько, В. Овчаренко), Тошкент (С. Ақобиров, А.Ҳожиёв, Р.Дониёров, А. Хаётин), Рига (В.Скуиня), Таллин (Р.Кулль), Вильнюс (К.Гайвянис), Боку (М.Гасимов) илмий марказлари шаклланди ва бир қатор китоблар нашр қилинди.

XVI-XXI асрлар дипломатик ҳужжатларнинг лексикаси ва стилистик таҳлилига бағишланган илмий ишлар ҳам амалга оширилган. Ўзбек олимларидан А.Шаматов, Ҳ.Ҳомидий, А.Талабов, Ҳ.Дадабаев, Х.Мухитдинова, А.Қуранбеков, Қ.П.Содиқов, М.Х.Маҳмудходжаев, Н.Қамбаров, Г.Боқиева, Х.Исламхужаева, А.Абдуазизов, А.Ходжаев, А.Айтбоев, Р.Иномхўжаев, Х.Р.Раҳмонқулов, А.С.Саидов, А.Воҳидов, А. Абдуазизов, А.Абдуллаева, А.Азизова, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Бектемиров, Ф.Бакиров, Х. Дадабоев, Ё.Тожиёв, Р.Толипова, Ю.Мацкевичларнинг ³⁷ ишлари хорижий тиллар, адабиёт, тарих, ташқи сиёсат, дипломатия ва

³⁶ Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце 20 века//Вопросы филологии, 2000. №2(5). -С.20-30

³⁷ Дадабаев Х. Общественно – политическая и социально – экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991.

Мухитдинова Х.С., Абдуллаева А.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. - Т. 1997.

Содиқов Қ.П. Ёски уйғур ёзуви (элчилардан юборилган ёрликлар).

Аҳмедов Ғ., Бектемиров Ғ. Русча – ўзбекча юридик атамалар луғати. – Т.:”Адолат”, 2002. - 328б.

Мацкевич Ю., Пан А. и др. Язык бизнеса. Термины. -Т.:ИПК «Шарк», 1995. – 734 с.

халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларнинг этимологик, лексик - семантик таҳлиliga ва терминологик луғатларга бағишланган ³⁸. Д.С.Қулмаматовнинг ишида рус ва ўзбек тилларидаги дипломатик ҳужжатларнинг матнлари диахроник аспектда ўрганилган ³⁹.

Хитой олимларидан Гао Лянфу, Ван Липин, Чжоу Цзумо, Чжан Цзин, Цзинь Шаочжи, Чжу Дэси, Чжан Шилу, Ли Цзиньси, Лю Шижу, Ен Жэньчао, Ли Жун, Янь Цзинсюань, Чжан Чжигун, Сунь Чансуй, Ван Пин, Гэ Синь, Лу Чживей, Гао Минкай. Чжан Шоукан, Ли Цзиньси, Лю Шижу, Хуан Юэчжоу, Ду Исин, Чжоу Суньюан, Чжэн Сюфу, Чжан Дэгуан, Ван Епин ва бошқаларнинг ишлари мавзу доирасида катта ўрин тутди.

2006 йилда нарш этилган дипломатик матнлар, ҳужжатлар ва терминосистемалар таҳлиliga доир Хуан Дингчининг “A Bilingual Study of diplomatic documents” иши алоҳида эътиборга молик. Ушбу ишда дипломатик ҳужжатларнинг семантик ва структурал таҳлили, ҳужжатларда кенг қўлланилувчи терминлар, протокол формулаларнинг хусусиятилари илк марта системали равишда тадқиқ этилган ⁴⁰.

С.А.Носирова ва А.А.Каримовларнинг 2004 йилда Хитойда нашрдан чиққан “汉乌俄外交词典” китобида терминография асосида 1600 дан зиёд терминлар ва уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги таржималари жамланган ⁴¹. “汉乌俄外交词典” 2005-2007 йилларда Пекин ва Шанхайда ўтган халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинган. Хитой ва Гонконг илмий журналларида тақризлар чоп этилган.

Мазкур ўқув қўлланма хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг лексик - семантик ва структур тадқиқига бағишланган. Унинг биринчи қисмида эса дипломатик терминлар тадқиқ этилади. Масаланинг таҳлиliga ўтишдан аввал хитой тили дипломатик терминларининг асосини белгиловчи хитой дипломатияси тарихига, шунингдек Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари динамикасига назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

Боб бўйича саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида маънавият, маърифат, тил ва адабиёт ҳақида қандай ғоялар олға сурилган?

³⁹ Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII вв. (Грамоты, челобитные). - М.: МГУ, 1994.

⁴⁰ Huang Jinqi . A Bilingual Study of Diplomatic Documents // Series of Huang Jinqi's Monographs on Diplomacy // Book I, Book II. Beijing, World Affairs Press, 2004.

⁴¹ 哈希莫娃 “汉乌俄外交词典” – 中国，黑龙江, 2004. – 328 页。

Носирова С.А. Из опыта составления дипломатического словаря.// ТашГИВ «Востоковедение» .- Т.,2006.

2. “Термин” тушунчаси ҳақидаги дефиницияларни изоҳлаб беринг.
3. Хитой олимларининг “термин” ҳақидаги фикрларига изоҳ беринг.
4. Терминларнинг асосий хусусиятларини ёзинг.
5. “Термин” ва “сўз” тушунчаларининг солиштира таҳлилини амалга оширинг.
6. “Детерминизация” тушунчасига тасниф беринг ва ўз фикрингизни изоҳланг.
7. “Детерминизация” ва “идеома” ларга мисоллар келтиринг.
8. “Профессионализмлар” деб қандай сўзлар ва терминларга айтилади?
9. “Терминология” фанининг предмети нима?

Амалий машғулот учун саволлар

1. “Терминология” фанининг объекти нима?
2. “Терминология” фани қачон пайдо бўлган?
3. Ўзбекистон ва Хитой дипломатия соҳасини терминлар билан таъминланиш даражасини изоҳланг.
4. Терминология стандартлари ҳақида нималар биласиз?
5. ИНКОТЕРМС ва ИНФОТЕРМ нима?
6. Терминшунослик соҳасида ўзбекистонлик ва хорижий олимлар қандай ишлар олиб борганлар?

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбек хитойшуносларнинг терминология соҳасининг ривожига қўшган хиссаси.
 2. Хитой тилшуносларининг термин тушунчаси доирасидаги қарашлари.
 3. Терминларни тадқиқ этишда қўлланиладиган асосий методлар.
 4. Профессионализмларга мисоллар келтиринг.
 5. Ҳозирги терминшунослик назариясининг асосий муаммолари.
-

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”.

И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти

II Бўлим. Хитой дипломатияси: кеча ва бугун

Дарсинг ўқув мақсади: Хитой дипломатиясининг тарихи билан танишиш, Хитой дипломатиясининг ғоявий ва назарий асосларининг шаклланишини ўрганиш, Хитой Халқ Республикаси дипломатиясининг асосий босқичлари, Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш. Ижтимоий -сиёсий ва дипломатик терминлар генезисини таҳлил қилиш, ушуб соҳа манбалари асосида терминларнинг семантик жиҳатларини ўрганиш.

Таянч тушунчалар: дипломатия, концепция, формализация, дипломатия санъати, дипломатик каналлар, “қоутоу”, теурийлар, бобурийлар, “бир мамлакат – икки система”, дипломатик алоқалар, дипломатик миссия, тактика, стратегия, “Учинчи дунё”, беш принцип, маънавият, диаспора, миграция, империя, тарих, сулола, стратегия, сиёсат, мафкура, миллат, механизм, традиция, халқ демократияси, халқаро нуфуз, хитойшунослик, доктрина, “цю-тун, цун-и”, морфема, семантика, фаол терминлар, компонент, типология, телеграмма, табрикнома, таъзия, сулола, сўз бирикмаси, иероглиф, протокол, ахдлашувчи томонлар, генезис, ибора, трансформация, шартнома, келишув, мандат, ишонч ёрлиғи, шартнома, аккредитация, хуацяо, элчи, дипломатия, консул.

2.1. Хитой дипломатияси тарихига бир назар. Хитойча ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминология генезисини ўрганар эканмиз, албатта, Хитой дипломатияси тарихига бир назар ташлашимиз лозим бўлади. Бундай қарор қўйидаги ҳолатларда асосланади. Биринчидан, ҳар қандай тушунчалар, шу жумладан дипломатик тушунчалар системаси муайян терминларни тартибга келтиради, умумлаштиради ва бошқа илмий жиҳатларини ўрганади. Иккинчидан, хитой дипломатик терминологияси ташқи сиёсат, савдо - сотиқ, инвестиция, молия, фан ва техника, маданият, маориф, спорт ва бошқа соҳалардаги алоқалар, халқаро муносабатлар, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт билан узвий равишда ривожланиб боради. Учинчидан дипломатик терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда давлат, ҳукумат ва жамиятнинг доимий назорати остида бўлади. Хитой тилида ҳам бошқа тиллардагидек дипломатик терминлар ўз

Ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Аксинча, улар заруриятга қараб ижод қилинади, аста - секин қўлланишга киритилади, яъни муайян термин олдин мамлакат ичида, турли даражадаги давлат ва партия раҳбарлари нутқлари, чиқишлари, сўнгра халқаро доирада синов ва тажрибадан ўтказилади.

Хитойда дипломатия санъати Европа мамлакатларига нисбатан барвақт шаклланган (Юнонистон, Рим, Миср дипломатияси бундан мустасно) бўлиб, бир неча минг йиллик анъаналарга эга. Хитойда дипломатлар миллий қаҳрамонлар, саркардалар, илм - фан, маданият ва санъат намоёндалари каби машҳур бўлганлар ва тарихда алоҳида ўрин эгаллаганлар. Тарихий манбаларга таянган ҳолда бир неча машҳур дипломатларни айтиб ўтиш, дипломатия соҳасига оид тактика, стратегия, маҳорат, мақсадлар, тамойиллар, каналлар ҳамда шаклларни умумлаштириш мумкин. Масалан, “Мурасим давлатлар” (мил.ав. 475 – 221 й.й.) даврида Хитой бир қанча феодал хонликларга бўлинган, улар ўртасида ҳокимият учун тўқнашувлар бўлиб турган. Ўзаро низоларга барҳам бериб, ягона кучли давлат яратиш мақсадида стратег Су Чин 燕, 赵, 韩, 威, 齐 ва 楚 хонликларни йиғиб, уларни 合纵, яъни “Вертикал альянс” деб номланган бирлашма тузишга ишонтирган ва ўзини “ бош вазир” деб эълон қилган.

Чжан И исмли бошқа бир стратег эса ушбу олти давлатни Су Чин иттифокидан ажралиб, мустақил сиёсат олиб бориш учун янги альянс тузишга кўндиради. Ушбу янги альянс 连横 “Горизонтал иттифок” номи билан машҳур бўлиб, “Вертикал альянс”ни таназзулга учратган. “Вертикал альянс” сиёсати “кучсиз давлатларни бирлаштириб, кучли давлатга биргаликда ҳужум қилиш”дан иборат бўлган бўлса, “Горизонтал иттифок” сиёсати “кучсиз ва кучли давлатларни бирлаштириб, кучсиз давлатга ҳужум қилиш ”дан иборат эди.

Су Чин ва Чжан И ҳурматга сазовор бўлган ташқи сиёсатни куришга ҳаракат қилишган. Улар ва уларнинг издошлари кейинчалик 游说家 youshuojia “нотикшунослар” ёки 纵横家 zonghenhjia “вертикал ва горизонтал стратеглар” сифатида шуҳрат топиб, қадимги Хитойнинг тарихий дипломатлари бўлишган.

“Уч қироллик” (мил. 220 – 265 й.й) даврида Хитой Вей, Ву ва Шу Хан давлатларига бўлиниб кетган. Шу Ханлик 诸葛亮 Жугэ Лянг давлат арбоби ва таниқли дипломат бўлган ва Шу Хан давлати асосчиси 刘备 Лё Бэй томонидан “teshi” 特使- “махсус вазифа билан элчи” сифатида Ву давлатига жўнатилган. Унинг вазифаси Вуни Цао Цаога (Вей давлати асосчиси) қарши курашишга кўндириш эди.

Жугэ Лянг “teshi” 特使 сифатида 曹操 Цао Цаога таслим бўлиш тарафдорлари, Вунинг мансабдор шахслари билан музокаралар ўтказди. Кейин 孙权 Сун Чуэн (Ву давлатининг асосчиси) ва 周瑜 Жоу Ю (Ву давлатининг ҳарбий қўмондони) билан бирга бўлган 个别会谈 gebie huitan “юзма-юз” музокараларни ўтказган ва Сун Чуэн билан Жоу Юларни Цаога қарши курашишга қўндирган. Цао кучлари миқдор жиҳатидан қанчалик кўп бўлмасин, Чанг Дзянг дарёсининг шимолий қирғоғида жойлашган 赤壁 Чибби қалъасида 刘 廖 ва 孙 Сунларнинг бирлашган қўшинлари томонидан тор - мор этилган. Кейинчалик Жоу Ю (Ву давлатининг ҳарбий қўмондони) Динг Жоу ҳудудининг (ҳозирги Ухан провинцияси яқинидаги ҳудуд) 廖 贝 тасарруфига ўтганлигидан ғазабланиб, жон таслим қилади.

Жугэ Лянг Ву давлатига яна бориб, Жоу Ю вафоти муносабати билан Ву давлатининг амалдорларига ҳамдардлигини билдиради ҳамда улардан 廖 贝дан қасос олмаслик, бу билан Цао Цаога ҳужум қилиш имконини бермасликларини илтимос қилади. Жугэ Лянгнинг Ву давлатига бўлган биринчи миссияси “нефрит тош ва ипакни қилич ва найзага айлантириш”, яъни “таслим бўлишни қарши курашга алмаштириш” бўлса, унинг иккинчи миссияси “қилич ва найзаларни нефрит тош ва ипакка айлантириш” бўлган⁴². Усталик билан олиб борилган дипломатик ушбу тактика аниқ стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган эди.

Хан сулоласи даврида император Юэн Ди қасридаги Ванг Жаодзюн исмли гўзал жориянинг Хун сулосаси ҳокимига турмушга чиқиши ҳақидаги ҳикоя деярли ҳар бир хитойликка маълум. Ушбу ҳикояда айтилишича, император Юэн Ди Хан билан Хун сулолари ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш мақсадида Жаодзюнни Хун сулосаси ҳокимига турмушга беради. Хан императори оиласидан чиққан қизларни чегара ҳудудлардаги кичик хонликлар ҳукмдорларига турмушга бериш орқали улар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эришган. Бундай усуллар 和亲, яъни “альянс никоҳ” номи билан машҳур бўлиб, тинчликни сақлашга қаратилган дипломатик усул сифатида кенг тарқалган. Жао Дюн ўз замонининг 努外交家 “аёл дипломати” ёки 和平使者 “тинчлик элчиси” шарафга эга бўлади.

“Уч қироллик” асарида келтирилишича, Ву давлатининг ҳукмдори Сун Чуэн ҳам шу йўлни тутиб, ўғли учун Динг Жоу гарнизонига бошлик бўлган генерал Гуан Юнинг қизини сўрайди. Ушбу йўл аслида дипломатик тадқиқ усуллардан бири эди. Гуан Ю Сун Чуэннинг таклифига қуйидагича жавоб қайтаради: “Йўлбарснинг қизи қандай қилиб

⁴² “化干戈为玉帛”. Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing, 2004. – 2 б.

итнинг ўғлига турмушга чиқиши мумкин?”⁴³. Натижада у ва Сун Чуэн ўртасида адоват юзага келади. Гуан Ю бундай йўл тутиш орқали Динг Жоу гарнизони мудофааси учун Жугэ Лянг “Шарқ тарафдан Сун Чуэн билан иттифокдош бўлиш айна пайтда Цао Цао билан шимол тарафдан курашиш демакдир” деган стратегик сиёсатини рад этади. Шимол ва шарқдан қилишган хужум натижасида Динг Жоу гарнизони Сун Чуэн қўлига ўтади.

Ғарбий Хан сулоласидан бўлган Жанг Чиен (эрадан ав. 114 й.) Хан империясининг ғарбдаги қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиши, 明 Мин сулоласидан (1368 – 1644й.й.) машҳур денгиз сайёҳи 鄭和 Жанг Хэнинг (Чжэнгхэ) (1371 – 1435 й.й) Жанубий ва Шарқий Осиё ҳамда Шарқий Африка давлатларига қилган 7 экспедициясини – Хитой дипломатиясининг ёркин намунаси, деса бўлади. Ходжаев А. олиб борган тадқиқотлардан маълумки, Чжэнгхэ Хитой сиёсатида маълум аҳамият касб этган ватандошимиз Умар Камолиддин Саъид Шамсуддиннинг авлоди бўлиб, унинг исми Маҳмуд экан.

2005 йили Пекин, Шанхай ва бошқа марказларда Хитой тарихидаги биринчи денгиз экспедицияларининг 600 йиллигига бағишланган илмий ва амалий анжуманлар уюштирилди. Хитой олимлари Чжэнхэнинг 1405 – 1433 йилларда Индонезия, Ҳинд ороллари, Форс кўрфази мамлакатлари, Африка қитъасининг шарқий қирғоқлари, Саудия Арабистонига уюштирган денгиз сафарларини Хитой тарихига олтин ҳарфлар билан битилган жасорат, деб эътироф этдилар⁴⁴.

Сиёсий ва ижтимоий фикр жараёнида хитой дипломатияси жамият маданиятининг ажралмас бир қисми, давлат манфаатларини ҳимоя этувчи муҳим бир механизм сифатида эътироф этилган. Шу сабабли бу дипломатия “қадимийликни ҳозирги даврга татбиқ этиш” мафкурасига асосланган ва мустаҳкам илдизларга эга⁴⁵. Г.Киреев ва В Корсуннинг фикрича, “Хитой “миллийлиги” анъана асослари қўлланилишининг универсаллигида, деб қаралган. Умуман, қадимги Хитой империялари ташқи сиёсати негизини хан миллатининг бошқа миллатлардан мавқеан юқорилиги хитой маданиятининг бошқа маданиятлардан илғорлиги ҳақидаги догматлар ташкил этган”⁴⁶.

Хитой дипломатиясининг ғоявий ва назарий асосларининг шаклланиши милoddан аввалги VII-III асрларга тўғри келади. Хитойнинг илк дипломатик фаолияти Ғарбий Чжоу (мил.ав. XI аср-771 й.) сулоласи давридан бошланган. Қадимий Хитой элчилари ва миссияларининг биринчи дипломатик ташрифлари Бирма ва Ҳиндистон давлатларига

⁴³ Қўрсатилган асар. – 3 б.

⁴⁴ China Daily. 28/08/2005.

⁴⁵ Носирова С.А. Хитой тилида “дипломатия” сўзининг диахроник таҳлили.// Хитойшунослар илмий анжумани тўплами. - Т.,2006. – Б. 8

⁴⁶ Дипломатия иностранных государств.-М.МГИМО: «РОССПЭН», 2004. –С.183.

амалга оширилган ⁴⁷.

2500 йил муқаддам яхлит Хитой империяси ташкил топгач, “марказлашув фалсафаси” ҳар қандай сиёсий доктриналар учун мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган. Хитой императори - “Осмон фарзанди” - Ер юзида ягона тартиб-интизом белгиловчи ҳоким сифатида кўрсатила бошланган. Хитой императори “олий ваколатга” эга бўлганлиги сабабли, у хитойликлар томонидан Хитой ва “Само остидаги” барча юртларнинг ҳақиқий ҳукмдори сифатида эътироф этилган. Эрамиздан аввалги V-III асрларда Хитойнинг ташқи сиёсат доктриналари, давлатлараро алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, жумладан, “олис подшоҳликлар билан яқин подшоҳликларга қарши иттифоқлар тузиш”, макр ва хийла каби методлар ривожланган ⁴⁸.

Хан сулоласи даврида ғарбий мамлакатларга элчи сифатида юборилган Чжан Сян ҳозирги Сиандан Буюк Ипак йўли орқали Марказий Осиёга икки марта ташриф буюрган. Суй ва Тан сулоалари (VI-X аср) даври Хитой цивилизациясининг гуллаб яшнаган “олтин даври” деб тан олинган. Бу даврда хитой дипломатиясига “Марказий империянинг” бошқа мамлакатлардан “устунлик назарияси” таъсир кўрсатган.

Мин сулоласи даврига келиб (1368–1644) дунёнинг кўплаб давлатларидан элчилар, дипломатик вакиллар, савдогарлар Хитойга ташриф буюрган. Ушбу даврда Мин сулоласининг вакили илк бор Самарқандга дипломатик миссия билан ташриф буюрган ⁴⁹.

Цин сулоласи (1644–1911) даврида Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатган хорижий мамлакатлар тенг ҳамкор сифатида тан олинмаган, балки тобе мамлакат тарзида эътироф этилган ⁵⁰. Масалан, император қабулига келган элчиларидан тобелик сифатида “коутоу”, яъни “уч марта тиззага чўкиш ва тўққиз марта ерга пешона теккизиб, таъзим бажо келтириш” талаб этилган. Ушбу таъзимни ижро этиш фақат императорга бўлиб қолмасдан, балки унинг номи ёзилган тахталарга ҳам буюрилган. Бундай таъзимни ижро этишдан бош тортган элчилар қабул қилинмаган ва ўз мамлакатларига қайтариб юборилган.

1656 йилда Россиянинг Ф.И.Байков раҳбарлигида Хитойга юборилган биринчи дипломатик миссияси Рус подшоси Алексей Михайлович имзолаган ёрлиқни императордан ўзга кимсага топширишдан ва “коутоу” талабларини бажаришдан бош тортганлиги боис император томонидан қабул қилинмаган. Ф.Байковдан кейин Хитойга юборилган Россия элчилари ушбу талабларни бажара бошлаганлар ⁵¹.

⁴⁷ 番新明。外事使用文书大全。 - 北京：世界知识出版社，1994。 - 9 б.

⁴⁸ Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. М., 1981. – С.135.

⁴⁹ Кўрсатилган манба. - 13 б.

⁵⁰ Дипломатия иностранных государств. - М. МГИМО: «РОССПЭН», 2004. – С.184.

⁵¹ Мясников В.С. Договорными статьями утвердили. Хабаровск – М., 1997. – С.84.

Хитой тарихига оид хронологик жадвал®

Сулола номи	Хукмронлик йиллари
Ся	милод.авв. XXI-XVI асрлар
Шан	милод.авв. XVI-XI асрлар
Ғарбий Чжоу	милод.авв. XI-770
Шарқий Чжоу (Чунцю ва Чжанго даврлари)	милод.авв. 770-221
Цинь сулоласи	милод.авв. 221-207
Ғарбий Хан	мил.авв. 206 - милодий 24
Шарқий Хан	25-220
Уч подшоҳлик даври (Вэй, Шу ва У)	220-265
Ғарбий Цзин	265-316
Шарқий Цзин	317-420
Жанубий ва Шимолий сулолалар даври	420-589
Суй	581-618
Тан	618-907
Беш сулола даври	907-960
Шимолий Сун	960-1127
Жанубий Сун	1127-1279
Юан	1271-1368
Мин	1368-1644
Цин	1644-1911

® “Китай”. КНР.- Пекин.: «Синьсин», 1997. - 249 с. китобидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2.2 Хитой Халқ Республикаси дипломатиясининг асосий босқичлари. Ҳозирги давр Хитой дипломатияси 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси эълон қилинишидан анча аввал, яъни Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг Гоминдан, Америка Қўшма Штатлари ва собиқ Совет Иттифоқи билан олиб борган алоқалар ва музокаралари асосида ривожланган.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топгандан сўнг Ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилиш учун давлат ва жамиятнинг энг илғор намоёндалари, фуқоролар уруши даврида Ватан ва миллат учун жон олиб, жон берган шахслари, хусусан Хан Нялун, Ван Юпин, Цяо Гуаньхуа, Хуан Хуа ва бошқалар юборилган. Ташқи сиёсат асослари Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси раиси Мао Цзэдун ва Давлат Кенгаши Бош вазири Чжоу Энлай томонидан ишлаб чиқилган.

Мао Цзэдун хитой ташқи сиёсатида реал ва ишчи руҳни ўрнатибгина қолмай, “Омма йўналиши” ва “Уч дунё”, яъни, капиталистик, социалистик

ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ривожланаётган давлатлари назариясини олға сурган.

Хитой дипломатиясининг “отаси” Чжоу Энлай Хитой Халқ Республикасининг биринчи қадамларидан бошлаб Давлат Кенгаши премьерлари ва ташқи ишлар вазири вазифаларини бажариб борган. Хитой ҳукумати раҳбари сифатида у кўп мамлакатларда расмий ташрифларда бўлган. Мао Цзэдун, масалан, давлат раҳбари сифатида фақат икки марта хорижга сафарга чиққан. Унинг икки ташрифи ҳам Москвага бўлган.

Чжоу Энлай Хитой ташқи ишлар вазирлигини “хунвэйбинлар” ҳужумларидан ва “маданий инқилоб” ҳуружларидан сақлаб қолган. Чжоу Энлай “халқ дипломатияси”, яъни жамоат ташкилотлари иштирокида халқаро алоқаларни ривожлантириш назариясини яратган ва амалга татбиқ этган. Бу сиёсий усул ҳозирги давргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ҳозирги даврда 10 зиёд турли тизимдаги марказлашган халқ дипломатияси ташкилотлари мавжуд. Ушбу ташкилотлар Хитой Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва муассасаларни истеъфога чиққан раҳбарлари томонидан бошқарилади.

Чжоу Энлай дипломатияси асосларини “цю-тун цун-и” “қарама қаршиликлар мавжудлигига қарамасдан умумийликни топиш” принципи ташкил этган. Ҳиндистон Бош вазири Ж.Неру ва Бирма Бош вазири У Ну билан ҳамкорликда Чжоу Энлай 1955 йили Бангдунг халқаро конференциясини чақирган ва тинчлик ва ҳамкорликни янги беш принципини олға сурган. Чжоу Энлай ташқи сиёсат тамойилларидан бири сифатида халқаро муносабатларда сиёсий, ғоявий ва мафкуравий зиддиятларни топиш эмас, балки Хитой манфаатларини ҳимоя этиш мақсадларининг устуворлигини таъминлаш, деб қабул қилиш мумкин.

Хитой ташқи сиёсатини ривожланишига 1980 йилларга келиб Дэн Сяопин катта ҳисса қўшган. У томонидан тарихидан қолган жиддий муаммоларни, яъни Гонконг, Макао ва Тайванга тегишли масалаларни ижобий ҳал қилишнинг умумий йўли сифатида “бир мамлакат - икки система” сиёсати ишлаб чиқилди. Дэн Сяопин “мамлакат ичида реформа, ташқи дунё билан янги алоқалар (очиқлик)” сиёсатини олға сурди. Бу сиёсат мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини яхлитлигини, ташқи сиёсатни ички сиёсатни амалга ошириш учун хизмат қилиши мажбурлигини таъминлади. Бу масалаларни оддий маъноси сифатида Дэн Сяпиннинг “Мушукнинг оқ ёки қора рангини аҳамияти йўқ, у сичқон овласа кифоя”, деган сўзларини келтириш мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги замон ташқи сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланган:

- Хитой барча халқаро масалалар буйича ўзининг позициясини ва сиёсий курсини мустақил равишда белгилайди, ҳеч қандай иттифоқларга қўшилмайди ва йирик мамлакатлар ёки блоклар билан стратегик алоқалар ўрнатмайди, гегемонизм ва куч ишлатиш

сиёсатига қарши туради;

- Хитойни ташқи сиёсатининг мақсади жаҳонда тинчликни ҳимоя этиш и мамлакатни модернизация қилиш учун тинч ва қулай халқаро шароитлар яратишдан иборатдир;
- Хитой барча мамлакатлар билан тинчлик шароитида яшашнинг беш тамойиллари, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, давлат ҳудудларини яхлитлиги ва бўлинмаслиги, ўзаро ҳужм қилмаслик, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, тинч яшаш асосида алоқаларни тараққий эттириш тарафдоридир;
- Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва қўшничилик алоқаларини қўллаб-қувватлаш;
- Хитой мазкур тамойиллар асосида янги халқаро алоқалар системасини ва янги халқаро сиёсий ва иқтисодий тартибни тузиш тарафдоридир.

Дипломатик вазифаларни амалга ошириш Хитой ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган. Кундалик тезкор ишлар ва ахборот тахлили билан боғлиқ вазифалар вазирликнинг 8 ҳудудий ва 6 функционал бошқармалари томонидан бажарилади.

2.3. Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари. Ўзбекистонда хитойшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга, чунки юртимиз қадимдан Буюк Ипак йўли воситасида Шарқни Ғарб билан боғловчи муҳим иқтисодий, транспорт, коммуникация, логистика маркази бўлиб келган, савдо, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Хитой ва бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатдор алоқаларга асос солган, минтақалараро ва қитъалараро савдо-сотиқ ва гуманитар муносабатлар тараққиётини таъминлаган.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг кўп қирралари тарихшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, манбашунослик, археология, исломушунослик ва бошқа соҳаларда тадқиқот олиб борувчи ўзбек, хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахасслари томонидан системали равишда ўрганиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой алоқаларининг чуқур тарихини комплекс тадқиқ қилиш учун янада кўпроқ меҳнат қилиш, хорижий манбаларни қидириб топиш ва уларни таҳлил этиш долзарб вазифалардан биридир. Ушбу илмий изланишларнинг салоҳияти халқаро талабларга мос келиши, эришилган натижаларни ривожланган мамлакатлар илмий жамоаларининг эътиборига тақдим қилиш учун кўп ишлар қилиниши лозим. Лекин, мазкур халқаро муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигига шубҳа йўқ. Бу тезисни изоҳлаш учун қуйидаги жиҳатларга мурожаат қилишимиз мумкин.

Биринчидан, Марказий Осиёнинг туб аҳоли вакиллари қадим замонларданоқ шарқий мамлакатларга, шу жумладан, Хитойга сафар қилиб, у ерда савдо, илм, фан, хусусан, астрономия, тиббиёт, география, ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳаларида муҳим ўрин эгаллаганликлари ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд. Албатта, бу ёзма манбаларнинг кўп қисми Хитойда. Масалан, 1984-2000 йиллар мобайнида Хитойда оз сонли халқларнинг тарихи, тил ва адабиёти, урф-одатлари, фольклори, тиббиёти ва динига оид 120 мингдан зиёд қўлёзмалар топилган. Улардан 110000таси тартибга келтирилган ва 5000таси нашр этилган⁵². Бу тарихий фактлар Марказий Осиё туб халқлари вакиллари курраи заминнинг бир қатор хорижий юртлари қатори, Хитой билан ҳам чамбарчас алоқада бўлганлигидан хабар беради.

Иккинчидан, милoddан аввалги I - II асрлардаёқ юртимиздан Хитойга ва бошқа мамлакатларига савдогарлар, илм - фан намояндалари муттасил равишда бориб турганлар. Бу эса юртдошларимизнинг қадим замонларданоқ хитой тили билан таниш бўлганликларидан далолат беради. Бундай алоқалар Буюк Ипак йўлининг очилгунига қадар, баъзи бир мутахассисларнинг фикрига кўра, милoddан 2 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлган.

Учинчидан, юртимиз ҳудудида топилган бир неча минг йиллик тарихга эга одам суяги (Амир Темир музейида сақланмоқда), Такламакон чўлида топилган, тахминан 5 минг йил тарихга эга одам жасади, Ўзбекистон вилоятлари қоя тошларига чизилган рангли нақшлар, ов, ўйин, жисмоний меҳнат ва саёҳат жараёнлари тасвирланган расмлар ва бошқа археологик топилмалар Ўзбекистон ва Хитой ҳудудларида инсон тараққиёти даражаси бир-бирига яқин кечганлигини ва бир географик ҳудуд аҳолиси бошқа бир ҳудуд аҳолиси билан алоқада бўлганлиги, миграция жараёнлари натижасида бошқа юртларга бориб яшаганликлари ҳақида тасаввур беради.

Тўртинчидан, I-III асрларда Буюк Ипак йўли мазкур халқаро муносабатларнинг тараққий этишига, шу жумладан, жаҳоннинг тўрт буюк, яъни Европада - Рим, Ўрта ва Яқин Шарқда - Парфия, Марказий Осиё ва Афғонистонда - Кўшон ва Узоқ Шарқда - Хан империяларини узвий равишда боғлаб, халқаро савдо ва бошқа алоқаларнинг ривожланишида асосий омил бўлган.

Буюк Ипак йўлининг очилиш тарихини мутахассислар милoddан олдинги 164-114 йилларда Фарғона, Қанли, Уйсун ва бошқа давлатларга Ғарбий Хан сулоласи ҳоконининг элчиси Чжан Цяннинг икки сафари билан боғлайдилар⁵³.

630 йилда хитойлик Сюань Цзан Марказий Осиё бўйлаб сафари

⁵² Ван Цань. Национальности Китая. "Межконтинентальное издательство Китая", Пекин. 2004. – С.86.

⁵³ Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит., 2002. - 439с.

ҳақида ёзган маълумотларида бу минтақанинг бир қатор ривожланган шаҳарларини кўрсатиб ўтган ⁵⁴. Тан сулоласи (618-907) даврида ҳам Марказий ва Шарқий Осиё давлатлари ўртасида кенг савдо ва маданий алоқалар мавжуд бўлган ⁵⁵. Шунини таъкидлаш жоизки, XI аср охири - XII аср бошларида марказий осийлик савдогарлар Чингизхон давлати билан мунтазам савдо алоқалар олиб борганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, 1215 йилда Чингизхон Пекинда Хоразмдан келган Беха ад-дин Рази раҳбарлигидаги элчиларини қабул қилган.

1218 йилда Мовароуннаҳрга Чингизхоннинг элчилари ташриф буюрган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу элчиларнинг бири хоразмлик, иккинчиси бухоролик ва учинчиси ўтрорлик бўлган ⁵⁶. В.Бартольднинг фикрича, бу элчилардан бири хоразмлик Маҳмуд бўлиб, у ва кейинчалик Пекин ҳокими (губернатори) этиб тайинланган ⁵⁷. Маҳмуд Ялавач 1254 йили Пекин ҳукмдори лавозимини эгаллаб турган пайтда вафот этган. Маҳмуд Ялавач ҳақида ислом тарихшунослари Жувайни, Вассаф, Рашид ад-дин томонидан ва мўғулча «Сокровенное сказание»да (Кафаров тарж.) муҳим маълумотлар келтирилган. Маҳмуд Ялавачнинг Чигатой билан бўлган зиддиятлари ҳақида Рашид ад-дин “Чигатойнинг вазирлари” номли бобда маълумотлар берган. Маҳмуд Ялавачнинг ўғли Масъудбек Марказий Осиёнинг тараққий этган Зарафшон воҳасини бошқарган. Масъудбек Бухорода унинг топшириғи билан қурилган Масъудийе мадрасасининг ичига дафн этилган. Унинг ўғли, яъни Маҳмуд Ялавачнинг невараси эса XIV асрда Қашқарда ҳумронлик қилган ва бу ерда худди шундай Масъудийе мадрасасини қурдирган ⁵⁸.

Бешинчидан, Марказий Осиёдан Хитойга бориб у ерда доимий яшаб қолган ватандошларимиз ҳақида ҳам бир қатор ёзма маълумотлар топилган. Масалан, Лю Йингшэнг 1263 йилда Пекинда 3000 яқин туркистонлик ойилалар доимий истиқомат қилганлигини кўрсатиб ўтган ⁵⁹. Бу ойилаларни Пекинда жойлашиб, томир отиб, маҳаллий иқлим, урф ва шароитларга кўникиб доимий яшаб қолиши учун маълум тарихий давр керак бўлган. Туркистонлик диаспора, яъни тахминан 16 минг нафар аҳоли ички ишларини идора этиш мақсадида махсус қози тайинланган. Лю Йингшэнг юқорида кўрсатиб ўтилган Маҳмуд Ялавачни Пекинда юқори мавқега эга амалдор бўлганлиги кўрсатиб ўтган. Туркистонлик

⁵⁴ О согдийских колониях в Семиречье. Бернштам, Согдийская колонизация, Распопов. Гончарные изделия согдийцев.

⁵⁵ Barthold. Issik-Kul, S.593

Бартольд В.В. Сочинения М.: - 2002., т.3 с.437.

⁵⁶ Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит., 2002.-623с. Ўтрор (Отрар) ҳозирги Туркистон шаҳридан 75 км жануби - ғарбда жойлашган шаҳар.

⁵⁷ Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит., 2002.-119с. ва 129 с.

“Маворавнаҳр” термини илк бор Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ҳақидаги ҳадисларда тилга олинган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “ЎМЭ”, 2003., т.6. 35 б.).

⁵⁸ Кўрсатилган манба. - 119 ва 147 б.б.

⁵⁹ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа тасоюан жоан. Чжэянг. 1996.- 276 б.

аҳолидан ташкил бўлган диаспоралар Хитойнинг бошқа вилоятларида ҳам доимий яшаган. Масалан, Юан сулоласи даврида (1280-1367 й.й.) Марказий Осиёдан Хитойнинг Цинхай ўлкасига туркий миллатга мансуб салорлар келган. Ҳозирги замонгача улар шу ерда истиқомат қиладилар ва ўзларининг миллий-урф одатларини, рўзғор юритиш, умумий турмуш тарзини ва қисман тил бойлигини сақлаб қолганлар. 1997 йилги маълумотларга қараганда Хитойда 105 минг салор миллатига мансуб кишилар яшайди ⁶⁰. Умумун олганда, 2000 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш ҳақидаги маълумотларда келтирилишига қараганда, Хитойда 1 млрд. 265,83 млн. аҳоли яшайди (Гонконг, Тайван ва Макао аҳолиси бундан истисно). Хитой аҳолисини 91,59% яъни 1 млрд. 159,4 млн кишини ханлар ташкил қилади. Қолган 8,41% яъни 106,43 млн. кишини 55 кам сонли миллатлар ташкил этадилар.

Кам сонли миллатларга тегишли аҳолининг умумий сонини кўплиги жиҳатидан олганда қуйидагилар киради: чжуан, манчжур, хуэй, мяочан, уйғур, туцзян, иян, монгол, тибет, буитян, дунц, яотян, корейс, бац, ханий, қозок, лиян, дай, шэян, лисуан, гэлаотян, дунсян, лахут, шуй, вай, насий, цян, туй, мулаотян, сиботян, қирғиз, даур, цзинпотян, маонан, салар, булан, тожик, ачан, пумий, эвенк, нусуан, цзин, цзинотян, дэан, баоан, рус, юйгур, ўзбек, мэнбай, ороchon, дулун, татар, хэчэйар, гаошан ва лобайлар ⁶¹. Бу рўйхатга бинон энг кўп миллат чжуанлар бўлиб энг кам миллат эса лобайлардир.

Хитойда 17 млн. зиёд мусулмон халқлар яшайди, шу жумладан хуэй (дунган, тунгон), уйғур, қозок, қирғиз, тожик, татар, салор, ўзбек, дунсян, баонлар ва бошқалар ⁶². Ушбу халқларнинг сон жиҳатидан энг кўпини хуэйлар ташкил этади. 2000 йили Хитойда ўтказилган аҳоли ёзуви ҳақидаги маълумотларга биноан, улар 9.8 млн. кишини ташкил этган. “Илк хуэйлар, деб ёзади Ван Цань, VII асрда Хитой билан савдо-сотик алоқаларини олиб борган араб ва форс савдогарларининг авлодларидир. Хуэйларнинг асосий қисмини эса XIII асрда Марказий Осиёдан кўчиб келган мусулмон халқлар ташкил этади. Уларнинг Хитойда ханлар, уйғурлар ва монголлар билан қўшилиши натижасида янги миллат хуэйлар ташкил топган” ⁶³.

Юртимизни Хитой билан дипломатик, савдо, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқалари, айниқса Амир Темур салтанати даврида барқ уриб ривожланган. Соҳибқирон фармойишига биноан Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини тараққий эттириш мақсадида, 1387-1396 йилларда Хитойга 8 элчилик қарвонлари юборилган, шу жумладан:

- 1387 ва 1389 й.й. Мавлоно Ҳофизий раҳбарлигида;
- 1388 й. Таж ад-Дин бошлиқ қарвон;

⁶⁰ Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин. 2004. - 158 б.

⁶¹ Ўша манба. 9-10 б.

⁶² Китай. “Синьсин”, Пекин. 1997. 47 б.

⁶³ Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин. 2004. 114-115 б.

- 1391 й. Шохалил раҳбарлигида;
- 1392 й. Ниғмат ад-Дин раҳбарлигида;
- 1393-1395 й.й. икки марта Дарвиш йўлбошчилигида;
- 1396 й. Аломат ат-Дин раҳбарлигида Хитой пойтахтига ташриф буюрганлар.

Мин сулоласи (1368-1644 й.й.) тарихи солномасида Хитой императори ҳузурига Самарқанддан ташриф буюрган элчилик ва савдо миссиялари насли отлар, туялар, шерлар, қоплонлар, ипак, тери, газлама, кумуш, олтин ва бошқа қимматбоҳо тошларидан ясалган буюмлар, шу жумладан идишлар, пичоқлар ва бошқа турдаги маҳаллий буюмлар билан келганликлари қайд қилиб ўтилган.

1395 йилда Амир Темур саройида Хитой императори Хун Лунинг Марказий Осиёдаги биринчи элчиси Бо Ан (Ан Чжитао) қабул қилинган ва Самарқандда Хитой элчихонасини ташкил этишга ижозат берилган. Ушбу элчи билан Хитойдан 1500 савдогарлар ҳам ташриф буюрган. Хитой элчиси Соҳибқирон салтанатини кезиб чиқиш учун 10 йилдан кўп вақт сарфлагани маълум. 1397 йилда Самарқандга Хитойдан Чэн Дэвэн бошчилигида катта карвон келган.

XIV асрда Амир Темурни Хитой императорлари билан расмий дипломатик алоқалари ҳақидаги ёзма маълумотлар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Буларни бир қанчаси 1996 йилда Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси ходимлари томонидан Хитой давлат архивларидан қидириб топилган. Ушбу маълумотлар қадимги хитой тилидан профессор Ясин Ашурий иштирокида таржима қилинган. Қадимги ёзмаларнинг бир қатори Амир Темур музейида сақланмоқда⁶⁴. Темурийлар сулоласининг кейинги авлод вакиллари ҳам Хитой билан алоқаларни узвий равишда давом эттирганлар. Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Абу Наср Шохрух Баҳодир Султон (1377-1447й.й.) ҳукмронлиги даврида Темурийлар салтанатининг халқаро нуфузи ортган. Шохрух давлатлар ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан элчилик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратган. Шохрух мирзо ҳузурига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа ҳукмдорларидан элчилар келган. Мирзо Шохрух ҳам ўз элчиларини ушбу мамлакатларга юборган. Манбалардан маълумки, Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV -XVII асрлар) Хитойга Туркистондан, Хуросондан, Шероздан, Хиротдан, Исфaxonдан, Тошкентдан ва бошқа марказлардан 107 зиёд элчи ва савдо карвонлари юборилган⁶⁵. Темурийлар даври тарихий манбаларида 1419 - 1422 й.й. Хитойга бориб келган Ғиёсиддин Наққошнинг сафар хотиралари ва кундаликлари сақланиб қолган⁶⁶. Албатта, бу маълумотлар уммондан томчи, чунки бу соҳада, айниқса манбашуносликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги архив материаллари. (1996-2000й.й.)

⁶⁵ Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари. “Шарқшунослик”. Т.: “Минхож”, 1996, №7, 50 - 59 б.

⁶⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005., 112 - 115 б.

улкан. Масалан, 2009 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар салтанатининг тарихини ўрганиш учун Ҳиндистонга ташриф буюрган З.Машрабов, В.Раҳмонов, Ф.Саидмаматов, Ш.Соткиновалар Сринагарни эски қисмида жойлашган қабристонда “Тарихи Рашидий” номли қомусий асар, «Жаҳоннома» ва “Маҳмуднома” дostonлар муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо қабрини топганлар ва 1822 йилда инглиз сайёҳи, капитан Вильям Моркрафт ҳиммати билан баропо этилган қабр тошида қуйидаги ёзувларни ўқиганлар:

“Мирзо Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон ибн Юнусхон. Бобур подшоҳнинг холаваччаси, Аҳмадхоннинг ўғли Ёрканд ва Мўғулистоннинг подшоҳи Абу Саидхоннинг вазири. Хонлар - Туғлуқ Темирхон авлодидан, Чигатой ибн Чингизхон наслидан. Мирзо таваллудининг қутлуғ йили ҳижрий 805 йилда Ўратепада бўлган. Кўп замонлар ўтишидан сўнг Абу Саидхон ҳукми билан Ёркандга қайтди, Тибетни эгаллагандан сўнг 4000 отлик билан Шаббон ойининг 4 кунда Кашмирни фатҳ этди. Кашмир подшоҳи - Муҳаммад шоҳга тахтни қайтариб, Тибетга Султон Саидхон ҳузурига қайтиб кетди. Султон Саидхон Мирзони Лхасага ҳоким этиб тайинлади ва ўзи Ёркандга қайтаётганда вафот этди”⁶⁷.

Амир Темури ва Темурийлар даврида юртимиз ва Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида Россия императорининг 1654 йилда Хитойга ташриф буюрган биринчи элчиси Федор Исаевич Байков, Цин императорининг сарой ходимлари билан бўлган мулоқотларда бундай деган экан, “Айтадиларки, бизнинг ота-боболаримиз Хитойга Темури билан кирган эмишлар. Лекин бу ҳақда аниқ ёдномалар йўқ, фақат баъзи бир хатлар орқали бу нарсалар тўғрисида фикр қиламиз”⁶⁸. Хитой билан тарихдан қўшни, яъни бир неча минг километр умумий чегарага эга бўлган Россиянинг биринчи расмий элчисини Хитойга 1654 йилдагина юборилиши қандай фикр - мулоҳаза уйғотиши мумкин⁶⁹. Бу факт Амир Темури томонидан ўрнатилган халқаро муносабатларни ривожлантириш сиёсати, бошқа давлатлар сиёсатидан қарийб уч аср илгарилаб кетганлигини ёрқин далилидир. Биргина шу фактни ўзи улуг ватандошларимизни нақадар узоқни кўзлаб мустаҳкам ташқи сиёсат олиб борганликларидан далолат бермайдими? Аммо Ўзбекистон Республикаси

⁶⁷ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010. 19.02. №8 (4043). Муҳаммад Ҳайдар мирзо 1449 - 1500 й. Тошкентда Муҳаммад Ҳусайн ва Хуб Нигор хоним оиласида туғулган. Уч йил Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо тарбисиди бўлган. 1540 - 1551 йилларда Кашмир ўлкасида ҳукмронлик қилган. Тибет ва Кашмирни ишғол қилган ҳарбий қўмондон (1445-1448.).

⁶⁸ Скачков П.Е. Очерки истории русского китаеведения.. “Наука”.М.: 1977, 14 б.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, элчи Ф.И.Байковни Пекинга қилган сафаридаги иштирокчи ва таржимонлардан бири сифатида бухоролик Ирки мулла (Эркин бўлса керак) кўрсатилган.

Уша манба. 20 б.

⁶⁹ Хитой Россия билан шимолий-шарқда 3605 км ва шимолий- ғарбда 40 км (ҳаммаси бўлиб 3645 км) умумий чегарага эга.

Страны мира. Энциклопедический справочник. “Русич”. Смоленск, 2003 й. 259 б.

Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг – яъни XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди.

Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобидида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожидида ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум”⁷⁰.

XIX асрдан XX аср охиригача “Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз” (И.А. Каримов. “Юксак маънавият - енгилмас куч”.)⁷¹.

Бу ҳақда Муҳаммад Юсуф бундай деган:

“Гарчи бошин эггани йўқ эдик бизлар,

Экканидан теккани йўқ эдик бизлар.

Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...

Ўша зулмат ўтмиш, сенинг уйинг куйсин”⁷².

Ушбу даврда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги асрлар оша давом этиб келаётган алоқалар узилган эди. Бу ўтган асрни 90-йилларини бошигача, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунича давом этган. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январда Тошкент шаҳрида ўрнатилган. Ўтган давр тарих учун - сониядир. Аммо икки давлат алоқаларини ривожланиш суръатлари ва уларни ижобий натижаларини инобатга олсак, бу минг йилга тенг келадиган ишлар амалга оширилди, десак муболаға бўлмас. Масалан, 2009 йили икки мамлакат савдо ҳажми 1994 йилга нисбатан 20 марта ошди. Қўшни Хитой билан тенг ва ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатларни тараққий эттириш заминида, хитой тилини, адабиётини, тарихини, иқтисодини ўрганиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бунга асосий сабаблар сифатида қўйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Хитой кенг имкониятларга эга, иқтисоди тараққий этаётган, тинчликсевар ва яхши қўшничилик сиёсатини изчиллик билан олиб бораётган давлатдир. Иккинчидан, эгаллаб турган ҳудудига кўра, Хитой дунёда Россия Федерацияси ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Хитой шимолда Россия Федерацияси, Мўғулистон, шимолда ва ғарбда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, шарқда Корея

⁷⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. “Маънавият”, 2008. 50 - 51 б.

⁷¹ Қўрсатилган манба. 25 б.

⁷² Муҳаммад Юсуф. Сайланма. -Т.: “Шарк”, 2007. - 271б.

Халқ Демократик Республикаси, жанубда ва жанубий - ғарбда Ҳиндистон, Мянма, Вьетнам, Непал, Бутан, Лаос, Покистон билан чегарадош. Хитой давлат чегараларининг куруқликдаги умумий узунлиги 22117 км ташкил этади. Хитой Корея Республикаси, Япония, Филиппин, Бруней, Малайзия ва Индонезия билан денгиз чегараларига эга. Учинчидан, олтин ва хорижий валюта захиралари ва йиллик экспорт ҳажми бўйича Хитой дунёда биринчи ва ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича иккинчи ўринда туради. Тўртинчидан, Хитой БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, Осиё ва Тинч океани мамлакатлари ҳамкорлик ташкилоти, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилотини 10+1 ва 10+3 форматидаги иштирокчиси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини асосчиларидан бири. Хитойни жаҳондаги нуфузини юксалиб боришини асосий омиллари орасида, унинг охириги чорак аср мобайнида жадал суратлар билан ривожланишини, иқтисод, ташқи савдо, коинот ва илм-фанни бошқа соҳаларидаги ютуқларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг истиқболлари мамлакатимиз ёш истеъдодли аспирантлари зиммасига ушбу соҳаларда янги илмий чўққиларни забт этиш каби маъсулиятли вазифаларини юклайди.

2.4. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар генезисига кириш

Машҳур хитой инқилобчиси, демократ Сун Ятсен Цин империясининг дипломатия протоколи, расмийчилиги ва дипломатия тилини изоҳлаб, бундай деган: “Империянинг сарой ва дипломатия этикети шу даражада нозик жозибага эгаки, сўздаги бир бўғинни ўзгартириш билан хорижий давлат вакилига қаратилган мурожаатни мақтовдан масҳарага айлантириш мумкин. Хорижий давлат вакили устидан унга сездирмасдан кулиш амалдорга ҳузур бераётганлигини сезиш учун, хитой тили, адабиёти, тарихини ва маданиятини чуқур билиш талаб этилади. Бундай усул билан империя амалдори атрофидагиларга ўзининг устунлиги ва “ян гуйцзы – чет эл шайтонлари”, қай даражада заиф эканлигини намоиш этмоқчи бўлади” ⁷³.

Хитой тилида ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган дипломатик терминларнинг келиб чиқиши қандай? Уларнинг қадимги даврларида қўлланилган эквивалентлари мавжуд бўлганми? Ушбу терминларнинг лексик ва семантик доирасидаги трансформацияси қай даражада бўлган? Бу саволларга жавоб бериш мақсадида бир катор дипломатик терминларга мурожаат этамиз:

2.4.1 “外交” маъноси ҳозирги кундаги дипломатия терминининг

⁷³ Сунь Ятсен. Избранные произведения. 2-е изд. М., 1985. - С.76.

маъносидан анча йироқ. Хитой манбаларига кўра “хизматкор ўз ҳокимининг ишончини суиистеъмол қилмаслиги учун 外交 дан сақланиши лозим”⁷⁴. Демак, “waijiao” хизматкорнинг бошқа бир ҳоким билан бўлган махфий алоқасини назарда тутмоқда. “外交” бошқа бир маъноси “шахсий ижтимоий муносабат”ни ифода этишидир.

“Денг Тонгнинг таржимаи ҳоли” асарида ёзилишича: “Денг Тонг “外交”ни ёқтирмас эди”⁷⁵. Бу ерда “外交” “хуфёна алоқалар” ёки “бошқа шахслар билан ижтимоий муносабатларда бўлиш” маъносини билдирган бўлиши мумкин.

“外交”- дипломатия терминининг эквиваленти сифатида яқин вақтлардан бери қўллана бошланган. Том маънода “外交” - “ташқи алоқалар” ёки “хорижий мамлакатлар билан алоқада бўлиш”, демакдир. “Ци Юэн” луғатида берилган таърифга кўра “外交” давлатлараро амалга ошириладиган муносабатлар ва давлатлараро имзоланувчи аҳдномаларни билдиради”⁷⁶. Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, дипломатия сўзининг маъносини шундай тушуниш мумкин: “Бир давлатнинг бошқа бир давлат билан муносабатлари ёки давлатлараро алоқалар”.

2.4.2 Қадимги Хитойда “дипломатия” “外事”, яъни “ташқи ишлар” сўзи билан юритилган. Ушбу далил дастлаб Дзуо Жуан солномасида учрайди⁷⁷. Солномада Жонгханг Хуанзи шундай дейди: “请复贾季，能外事”，яъни “贾季 Дзядзига лавозим берилишини тавсия этаман, чунки у, “外事”га уста”⁷⁸. Яна “Уч қироллик” романига қайтадиган бўлсак, Сун Чуеннинг акаси Сун Цэ ўлими олдидан укасига қуйидагича васият қилади: «内事不决问张昭，外事不决问周瑜», яъни “Агар “内事”дан иккилансанг 张昭 Жанг Жао билан маслаҳатлашгин, агар “外事”ни ўзинг ҳал қила олмасанг 周瑜 Жоу Юдан маслаҳат ол”. “内事” ва “外事” қадимги Хитойда ички ва ташқи ишларни билдирган. Яъни қадимги Хитойда “дипломатия” маъноси “外事” сўзи билан юритилган. Ушбу сўз ўз асл маъносини сақлаган ҳолда қўлланилиб келмоқда.

⁷⁴ Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing, 2004. – 1 б.

⁷⁵ 史记。- 邓通传。- 134 б.

⁷⁶ 辞源 1-4 - 北京, 1986。- 3009 б.

⁷⁷ Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing, 2004. – 4 б.

⁷⁸ Кўрсатилган асар. – 4 б.

2.4.3 “Дипломатия” баъзида “外务” сўзи билан ҳам аталган. Масалан, Цин сулоласи (1644 -1911) даври охирида ташқи ишлар бўлими ташкил этилган ва уни “外务部”, деб аташган. Бу ҳозирги “外交部” (Ташқи ишлар вазирлиги)нинг эквиваленти бўлган.

2.4.4 Дипломатия соҳасида “外援 wai yuan” (хорижий ёрдам) ва “外宾 waibin” (хорижий меҳмон) каби терминлар қўлланилади. “左传” Дзуо Жуан солномасида келтирилишича : “Сулҳ тузинг, ярашинг ва “外援” қидиринг”⁷⁹.

Тан сулоласи (618 – 907) даврида ижод этган Юэн Женнинг “何满子 歌 Хеман кўшиғи”да келтирилишича: “Қадим замонда ҳукмдор “外宾”лар хорижий меҳмонлар шарафига базм уюштирган вақтларида 论鸣 Лунминг мусиқаси 3 марта ижро этилган ва нефрит тошидан ясалган буюмлар намоиш қилинган”⁸⁰. Лунминг “Қўшиқлар китоби”даги мусиқани номи бўлиб, у олий даражадаги меҳмонларни кутиб олиш учун ижро этилган.

2.4.5 “使节 shijie” “дипломатик вакил” термини қадимги Хитойда кенг ишлатилган. “使” иероглифи от сўз туркуми (элчи ёки дипломатик агент) ёки феъл туркумидаги сўз (чет элда элчи бўлмоқ) сифатида ўзининг асл маъносини сақлаб қолган. Хитой мақолида айтилишича: “Давлатлар ҳатто қуролли зиддиятлар вақтида ҳам ҳар қайсилари “使” билан ўртоқлашишлари керак”. Ушбу далил қадимги Хитойда нафақат дипломатик агентлар, балки уларга нисбатан амалий кўрсатмалар ва анъаналар бўлганлигидан далолат беради.

2.4.6 “节” иероглифи қадимги Хитойда ҳозирги кунда дипломатия соҳасида қўлланилувчи “ишонч ёрлиғи” терминининг эквиваленти сифатида қўлланилган. “节” давлат раҳбари томонидан элчиларга топширилган. “节” турли шаклларда учраган. Масалан, Су Ву томонидан Хан сулоласидаги Сьонгнуга жўнатишга “节” чўп шаклида бўлиб, у яқнинг думи билан безатилган. Сьонгну томонидан Су Ву шимолдаги катта ҳудудда 19 йил чўпон бўлиб хизмат қилишга мажбур этилади. «汉书。苏武传» “Су Вунинг таржимаи ҳоли” асарида ёзилишича: “苏武 Су Ву ҳеч қачон унга топширилган “节” ни қўлидан қўймаган, натижада

⁷⁹ Кўрсатилган асар. – 4 б.

⁸⁰ Кўрсатилган асар. – 6 б.

“节”га уланган як думидан бир мўй ҳам қолмаган.” Ушбу ҳолат 苏武 Су Вунинг унга юклатилган вазифасига содиқлигидан далолат беради. Шу сабабли, ҳозирги кунда “气节 qijie” “ахлокий поклик” маъносини ифодалайди.

Юқорида айтиб ўтилган “使节” термини shi 使 ва jie 节 қисмларидан иборат. Ушбу терминни қўллаганда умуман дипломатик агентларни назарда тутмай, 节 ёки “ишонч ёрлиғи билан келганлар” маъносини тушуниш лозим. Улар миссия раҳбарлари, элчилар, вазирлар, вакиллар ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Бошқа бир манбада “使” “юбормоқ” маъносини билдиради, дейилган ⁸¹.

2.4.7 Қадимги Хитойда ташқи ишларни амалга ошириш учун юборилган шахслар нефрит тоши, мис, бамбук ёки ёғочдан ясалган тамғаларни ўзлари билан олиб юришган. Ушбу тамғалар 符节 fujie (мандат) деб аталиб, дастлаб “使节” термини шахсга нисбатан эмас, балки ўша тамғага нисбатан ишлатилган. “使节” уни ўзи билан олиб юраётган шахс қайси сулолага мансублиги, тамғанинг қандай материалдан ясалганлиги эса у нечоғли давлатманд эканлигига бир ишора бўлиб хизмат қилган.

“使节” қўлланилиши дастлаб “Shi Ji” асарида учрайди ⁸². “节” термини “ишочнома, ишонч ёрлиғи” маъносида дастлаб Цин (милoddан аввалги 221 – 207) ва Ғарбий Хан (милoddан аввалги 206 - 24) сулолалари даврида қўлланила бошланган. “使节” терминининг қадимги сўзма – сўз таржимаси: “Ишончнома билан юборилган” демакдир.

2.4.8 XIV асрга келиб дипломатик вакиллар нафақат сиёсий, балки иқтисодий масалалар билан ҳам шуғуллана бошлашади. Шу муносабат билан чет элда хизмат сафарида бўлган дипломатик вакилларга 使节 shijie “аккредитация қилинган доимий вакил” лавозими бериладиган бўлди. Ушбу лавозим фақат 2 йил муддатга берилар эди. Кейинчалик ушбу муддат 3 йил этиб белгиланган ⁸³. XVI аср охирига келиб “чет элда аккредитация қилинган элчи” лавозими Европада ҳам кенг тарқалди ⁸⁴. Бошқа манбалардаги маълумотларга кўра, қадимги Юнонистонда ташқи алоқалар ривожлана бориб, илк дипломатик вакиллар 使节 пайдо бўлган. Ушбу вакиллар эл орасида машҳур, обрўйли, эъзозли, зиёли инсонлар

⁸¹ 王玉林. 名称由来 1001. 北京, 1996. - 67 б.

⁸² Кўрсатилган асар. – 67 б.

⁸³ Хитой Халқ Республикаси элчиларини хорижий мамлакатлардаги аккредитация муддати 3 йил этиб белгиланган. Ушбу муддат бир йилга узайтирилиши мумкин.

⁸⁴ Кўрсатилган асар. – 66 б.

орасидан танлаб олинар эди ⁸⁵. Ҳозирги кунда “使节”: “Ташқи давлатда аккредитацияланган дипломатик вакил” маъносида ва ташқи давлатга муваққат ишлар вакили сифатида юборилган дипломатик вакил маъносида ҳам қўлланилади.

2.4.9 大使 бирон – бир давлатнинг бошқа бир давлатга юбориладиган ва тўлиқ шакли 特命全权大使 teming quanquan dashi “Фавқулодда ва Мухтор Элчи” термини билан юритиладиган дипломатик вакили ифодаланган. Ушбу терминнинг келиб чиқиши бир неча минг йиллик тарихга эга ⁸⁶. 4000 йил олдин Миср фирави Осиё давлатлари билан ташқи алоқаларни ўрнатади ва ўз қироллигида Осиё масалалари билан шуғулланувчи, Осиё давлатларига юборилувчи махсус шахсни тайинлайди. Манбаларга кўра, айнан шу шахс тарихда илк дипломатик вакил сифатида фаолият олиб борган. Лекин ушбу тайинланган вакил вазифаси фақат фиравнга хатларни олиб келиш, фиравн номидан ёзиладиган хатларни Осиё давлатлари ҳукмдорларига топширишдан иборат эди. Бу вакил ҳозирги замон дипломатия тили билан айтганда илк дипломатик курьер вазифасини бажарган деса бўлади. Бошқа бир манбада келтирилишича, 大使 аввал дипломатияга оид ишларда қўлланилмаган. Илгари ҳар бир давлатнинг иккинчи бир давлатда доимий фаолият юритадиган элчиси мавжуд бўлган. Давлат бошлиғи зарурат юзасидан ташқи ишлар фаолиятига оид, аммо фавқулодда мавкега эга бўлмаган шахсларни баъзи бир вазифалар билан ўзининг элчиси мавжуд бўлган мамлакатга юборган. Бундай шароитда, айниқса, саройда бўлиб ўтадиган қабул маросимларида мазкур давлатнинг элчиси ва фавқулодда юборилган мансабдор шахс ўртасида келишмовчиликлар кузатилган. Шу сабабли XVII аср охирига келиб, элчининг ёрликномасида “фавқулодда” деган сўзни қўшишга зарурат пайдо бўлган ⁸⁷.

2.4.10 Бир гуруҳ терминларнинг трансформациясини кўриб чиқайлик.

➤ “Ҳукумат” маъносида қўлланилувчи 政府 терминининг

қадимги маъноси ҳозирги маъносидан тубдан фарқ қилади. Қадимда 政府 “канцлернинг ишхонаси” маъносини билдирган ⁸⁸.

Тан сулоласи (618 – 907) даврида феодал жамиятнинг турли системасининг аста – секин такомиллашиши билан “уч губерния олти бўлим ташкил этиш” сиёсати амалга оширила бошланди. Жонг Шу губернияси – қарор қабул қилувчи; Мэн Ся губернияси – қарорларни

⁸⁵ 王玉林. 名称由来 1001. 北京, 1996. - 67 б.

⁸⁶ 王玉林. 名称由来 1001. 北京, 1996. - 66 б.

⁸⁷ Қўрсатилган асар. – 205 б.

⁸⁸ Қўрсатилган асар. – 361 б.

тасдиқловчи; Танг Шу губернияси – қабул қилинган ва тасдиқланган қарорларни амалга татбиқ этиш билан шуғулланган⁸⁹. Юқорида қайд этилган уч губерниянинг раҳбарлари биргаликда давлат ишларини юритар эдилар. Улар биргаликда йиғиладиган жой номи “正事堂” zhengshi tang, яъни “ҳукумат ишлари саройи” деб номланган. Ҳозирги кунда 政府 давлат тузилмасининг бир бўлаги маъносида ишлатилади.

➤ “Давлат бошлиғи” 元首 yuanshou маъносини

билдирувчи термин илк бора 尚书 Танг Шуда учрайди. 元首 терминининг аслида ҳар бир бўғини “бош” маъносини англатади. У қадимдан “давлат бошлиғи” маъносини билдириб, ҳозирги кунгача ўз маъносини сақлаган ҳолда ташқи алоқалар жараёнида кенг қўлланилиб келмоқда.

➤ “Консул” маъносини ифодаловчи 领事 термин “бир

давлат томонидан халқаро амалиёт ва шартномага амал қилган ҳолда консул вазифасини бажариш учун бошқа - бир давлатга юборилувчи ҳукумат вакили” деган маънони ўз ичига олган. Бу терминининг келиб чиқиши дипломатия соҳасидан анча йироқ бўлган. 领事 лавозими кўпроқ савдо – сотиқ, иқтисод соҳаларига яқин бўлган. Дастлаб ушбу лавозимдаги вакиллар зиммасига ўз давлатининг савдо – сотиқ соҳасини ривожлантириш каби масъулият юклатилган⁹⁰. Ўрта аср давларида кўплаб иш юритувчиларни чет давлатлар билан савдо – сотиқни амалга ошириш мақсадлари бўлган. Савдогарлар ўртасида кўпинча зиддиятлар келиб чиқар эди. Шу зиддиятларни бартараф этиш учун улар ўзаро ҳакамни танлаб олишган. Дастлаб ушбу лавозим доимий бўлган, кейинчалик ушбу лавозимга бир ёки бир нечта одам танланиб, улар “савдогарлар ҳакам консули” деб аталган. Бу лавозимни билдирувчи 领事 ушбу терминининг илк кўринишидир. XII аср охирига келиб Венеция ва Куддусда илк маротаба ҳарбий масалалар соҳасида иш олиб борувчи консуллар тайинланган.

XIX асрда халқаро тижорат ривожланиб, давлатлар одатда “консул” лавозимиغا катта эътибор билан қараб, ташқи консуллар учун қўлланилувчи қонун – қоидалар, имтиёзлар ишлаб чиқилган. 1825 йили Буюк Британияда дастлабки консуллик концепцияси ишлаб чиқилди. Шундан бошлаб консуллик лавозими қонуний равишда дипломатик моҳиятга эга бўлди.

2.4.11 华侨 “хитойлик муҳожир” 华 hua ва 侨 qiao

⁸⁹ Тан сулоласи даврида жорий этилган бу система ҳозирги кунда турли давлатларнинг икки палатали парламент фаолиятига ўхшаш бўлган.

⁹⁰ Кўрсатилган асар. – 67 б.

иероглифларининг бирикиши натижасида ҳосил бўлиб, чет давлатга юборилган ёки хорижда доимий истиқомат қилаётган хитой миллатига мансуб инсонни номлаш учун қўлланилади. Ушбу термин Цин сулоласи (1644 -1911) давридан бошлаб истеъмолда бўлган.

1878 йили Хитойни Америкадаги элчиси Дзю Донг ЛанЛин томонидан берилган ахборотда Хитойдан келган ва Америкада ўрнашиб қолган инсонларга нисбатан илк бор 侨民 qiaomin, яъни “муҳожир” термини қўлланилган. 1883 йилда Жэнг Гуан томонидан Бош Вазир ўринбосарига берилган ахборотномада 华侨 термини илк марта қўлланилган. 1904 йилда Ташқи ишлар вазирлигининг (у пайтда 外务部, яъни “ташқи ишлар бўлими” деб аталар эди, (ҳозирда 外交部, яъни “ташқи алоқалар бўлими”) номига келган ҳужжатда “Чет давлатда консулхона очиш учун кўп харажатлар лозим бўлмайди, хитойлик муҳожирлардан эса катта фойда олинади”, деб таъкидланган. Ушбу нотадан кейин 华侨 “хитойлик муҳожир” маъносида кенг қўлланила бошланган ⁹¹.

2.4.12 Ишонч ёрлиғи давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш воситасидир.

“魏书” “ишонч ёрлиғи” термини илк бор Вэйноманинг “Гаою” биографиясида учрайди. У ерда “Сизлардан илтимос, ёрликномани ёзиш олий тоифадаги қобилят эгаларига топширилсин” каби сатрлар битилган ⁹². Давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан кейин вакил ёки элчилар чет давлатларга давлат ёрлиғи билан юборилган.

Ўзга давлатларга элчиларни юбориш, ўзга мамлакатдан келган элчининг давлат ёрлиғини қабул қилиш давлат бошлиғи томонидан бажариладиган ҳуқуқларидан бири бўлган ⁹³.

2.4.13 礼宾 “libin” протокол ёки 议定书 yidingshu “протокол (ҳужжат маъносида)” сўзи қадимги латин тилида protokollum ва грек тилидаги Прω Το’σολλυ сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у ҳужжатнинг биринчи бетига бириктирилиб қўйилган. Аслида протоколни расмийлаштирувчи идоралари ундан муқоваланган расмий ҳужжат сифатида фойдаланиб келишган. Ўтмишда Францияда бундай ҳужжатлар учун Протокол департаменти, Англияда Протокол департаменти ҳамда Фуқоролик департаментлари масъул бўлган. Дипломатик ҳужжатлар ривожланиб икки давлат вакиллари мажлисининг ёзиб олиниш шакли (Протокол) ва мажлис натижасини таърифловчи ҳужжат шаклига айланди. Протокол расмий ҳужжатнинг биринчи бетига кўрсатилган бўлиб, икки давлат

⁹¹ Кўрсатилган асар. – 96 – 97 б.

⁹² 番新明. 外事使用文书大全. - 北京：世界知识出版社，1994. – 50 б.

⁹³ Кўрсатилган манба. – 51 б.

вакиллари томонидан ҳужжат имзоланаётган барча нормаларга амал қилишлари кўзда тутилган. Ҳозирги кун одати бўйича ҳам муҳим халқаро келишувларни имзолашда протокол шаклларида фойдаланиб келинади ⁹⁴.

2.4.14 盟约 mengyue “иттифок шартномаси” нинг тўлиқ шаклдаги термини **同盟条约 tongmeng tiaoyue**, шунингдек, “ахдлашув” **盟誓 mengshi**, деб ҳам айтилади. Иттифок шартномаси халқаро майдонда икки ёки ундан ортиқ давлат умумий ҳаракатга бирлашиш пайтида тузиладиган ахдлашув ёки келишувдир (шартнома). Унинг асосий моҳияти, давлатлар ҳар томонлама мослашув ёки музокара ўтказиб, умумий ҳаракатланиш нормаларини қабул қилиб, мажбуриятлар оладиган келишувдан иборат. Хитойнинг қадимги ахдлашувларида қурбонликка сўйилган жониворларнинг қони ичилиб, қасамёд қилинган. Ахдлашув қатнашувчилари **同盟 tongmeng** деб аталган. “左传·僖九年 Дзуочуан Сидзёньен” тарихий манбада келтирилишича: “Император Куэйдзянгда бир нечта ҳукмдорлар билан ахдлашиб, шундай дейди: “Биз билан ахдлашганлар, модомики, ахдлашар экансиз, яхши муносабатларни тиклаймиз”⁹⁵. Хитой тарихида давлатлар орасида учинчи давлат ҳужуми олдини олиш учун бирикиб иттифок шартномасини қабул қилиш ҳам учраб турган.

2.4.15 协议 xieyi “келишув шартномаси” давлат, партия, ташкилот, фирма, компания ва корхоналар ўртасида бирор иш ёки масала юзасидан маслаҳат ўтказиб, муҳокама ва мунозаралардан сўнг умумий бир фикрга келадиган шартнома характеридаги ҳужжатдир. Масалан: Икки томонлама келишув, Савдо келишуви, Ҳамкорликда корхонани бошқариш келишуви, Юк ташиш келишуви, Олди-берди (савдо-сотиқ) келишуви ва ҳ.к.

Давлат ички қонунлари бўйича у икки тараф муносабатларидаги муҳим шартнома тури сифатида қабул қилинади. Келишувнинг шартлари, жавобгарлиги ва характери жиҳатидан **合同 hetong** “шартнома”га нисбатан анча муҳимроқ мавқега эга бўлган ҳужжатнинг бир туридир. Корхоналар ўртасида тузиладиган келишувнинг кўлами нисбатан кенг бўлади. Давлатлараро бирор - бир муаммо устида маслаҳатлашиш, музокара олиб бориш ва фикр алмашиш мобайнида умумий бир фикр, қарорга келиш ҳам мазкур шартнома формасида ифода этилиши мумкин. Иероглиф шаклларида намоён бўлган ҳар хил келишув турлари мавжуд - **条约 tiaoyue**, **公约 gongyue**, **协定 xieding**, **议定书 yidingshu** ва ҳ.к. Буларнинг

⁹⁴Кўрсатилган манба. – 205 б.

⁹⁵Кўрсатилган манба. – 240 б.

барчаси 协议 xiéyì “ келишув ҳужжатларидир”⁹⁶.

2.4.16 贺电 hediàn “табрик телеграммасы” давлат, партия, ташкилотлар, ҳамда инсонлар бир-бирларини байрам, шодиёна ёки тантана муносабати билан табриклашда фойдаланадиган хабарномадир. “Табрик телеграммасы” 贺信 hexìn “табрик хати”, деб ҳам аталади. Бу иккала сўз бир хил маъно касб этади. Қадимда бирор байрам билан табриклаш телеграммасы бўлмаганлиги боис, табрик изҳор этишда фақат 贺信 hexìn “табрик хати”дан фойдаланилган. Бу бизга қадимги даврдан босқичма-босқич (эволюцион) тарзда ўтиб келган. Хитойда Жоу сулоласининг (мил.ав. XI аср) “周礼” Жоули китобининг: “大祝作六辞以通上下亲疏远近 dà zhù zuò liù cí yǐ tōng shàng xià qīn shū yuǎn jìn”. (“Бой, камбағал, қариндош, нотаниш, узоқдагилар, яқиндагилар табрик етказишлари учун 6 баллада”) деб номланган қисмида “Олти хил “辞 cí”⁹⁷, яъни 六辞 liù cí термини “олти баллада” деган маънони англатиб, ўз ичига: 辞 cí, 命 mìng, 诰 gào, 会 huì, 祷 dǎo, 谏 jiàn балладаларни олган. Булар ичида “祷 dǎo” байрам билан муборакбод этиш балладаси”дир. Кейинчалик император маросимларида, жангдаги ғалабаларда, катта тадбирларда табрик хатининг тепасида мақтовлар бўлиши талаб этилган⁹⁸. 祝贺 zhùhe, яъни “табрикнома” баъзи пайтларда 贺表 hèbiào деб аталган. 诗经 Shījīng “Шеърлар китоби” нинг, 大雅下武 “Dà yǎ xià wǔ” жилдида шундай дейилади: “受天之佑, 四方来贺 shòu tiān zhī yù, sì fāng lái hè”, яъни “Худонинг қудрати билан бутун дунёдан табрикнома келди”.⁹⁹ 国语 Guóyǔ Гуоюда айтилишича: “Хотирани ҳурматлашда ғам - қайғу, табрикда эса хурсандчилик ва шодлик бор”¹⁰⁰.

Шу тарзда табрик телеграммасы расмий алоқалар жараёнида шаклланган бўлиб, у кундалик ҳаётда ишлатиладиган ёзув жанрига айланган.

2.4.17 贺片 hèpiàn “табрикнома” инсонлар бир-бирларини шодиёна, байрам ва хурсандчиликлар муносабати билан табриклашда фойдаланадиган, маълум бир шаклга эга кичик ёзма услубдаги карточка

⁹⁶ Кўрсатилган манба. - 247 – 248 б.

⁹⁷ 辞 cí – қадимги Хитой мумтоз адабиёт жанри номи

⁹⁸ Кўрсатилган манба. - 378 б.

⁹⁹ Кўрсатилган манба. - 378 б.

¹⁰⁰ Гуо юй миллоддан аввалги 7-6 асрларда ёзилган бўлиб, у асосан шу даврдаги подшо ва йирик амалдорларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ва фикрларининг тўпламидир.

туридир. Ҳозирги кунда одатда бундай карточкалар ёрдамида қуйидаги мавзуларда табриклар юборилади: янги йил табриги, туғилган кун табриги, тўй табриги, мансабга кўтарилиш табриги ва ҳ.к.

2.4.18 名片 mingpian “ташриф қоғози” қадимги даврларда (ҳозирги кунда ишлатиладиган “визитка” кўриниши) мавжуд бўлиб, у **名刺 mingci** термини билан ҳам аталган. Шарқий Хан сулоласи (мил. 25 – 220) “**论衡 lunheng**” ва “**骨相篇 guxiangpian**” китобидаги ёзувларда “**通刺 tongci**” ибораси “ташриф карточкасини совға қилиш” маъносини англатади ¹⁰¹.

Шимолий ва Жанубий Сун сулоалари (мил. 960 – 1279) даврига келиб, ташриф карточкасини қўллаш ривожланиб, янги йил табрикномаларини тақдим қилиш ҳам юзага келган. Баъзи табрикномаларининг тепа қисмига табрик шеърлари битиб қўйиш ҳам одат тусига кириб, бу шеърлар хурмат, қувонч, завқ маъносини ифодалаган.

Цин (1644–1911) сулоласи даврига келиб, янги йил табрикномалари пухта ишланган қутичаларга солинган ёки қоғозлар билан ўралган шаклда совға қилинган ¹⁰².

Хитойда давлат бошлиқларига юбориладиган табрикномаларнинг ҳажми оддий табрикномалардан фарқли равишда каттароқ кўринишга эга ва муқоваси оқ рангда бўлиб, муқованинг юқори қисмида рангли давлат герби расми туширилган бўлади. Табрикноманинг биринчи бетида “**恭贺新年 gonghexinnian**”, яъни “Янги йил қутлови” мазмунидаги тўрт иероглифли табрик битилади.

2.4.19 慰问函电 weiwen handian “таъзиянома, кўнгил сўраш” телеграмманинг бир тури. Кўнгил сўраш телеграммаси хат билан бир хил маъно касб этади. **诗经 “Шеърлар тўпламида”**: “**有子七人，莫慰母心 youzi qiren, mowei muxin**”, яъни “етти ўғил бўлса ҳам она юрагига таскин, ҳамдард бўла олмайди” деб ёзилган иборада **慰 wei** иероглифи ишлатилиб, “ҳамдардлик” маъносида қўлланилган ¹⁰³.

Таъзиянома **讣告 fugao** сўзи расмий равишда икки бўғиндан, яъни “**讣 fu**” ва “**告 gao**” морфемалардан ташкил топган. “Таъзиянома” сўзи “**讣文 fuwen**” ва “**讣闻 fuwen**” тарзида ҳам баён этилган бўлиб, қадимги ва ҳозирги маъносида тафовут йўқ. Ҳар икки сўз бирикманинг биринчи

¹⁰¹ Кўрсатилган манба. – 387 б.

¹⁰² Кўрсатилган манба. – 388 б.

¹⁰³ Кўрсатилган манба. – 389 б.

бўғинида келган “讣” иероглифи “бирор бир кишининг вафоти ҳақидаги хабарнома” деган маъносини англатади.

“讣文 fuwen” сўз бирикмасидаги “文 wen” иероглифининг иккинчи маъноси “мақола” ёки “иншо”, “讣闻 fuwen” сўз бирикмасидаги “闻 wen” иероглифининг биринчи маъноси “эшитмоқ”дир. Мисол тариқасида Лиди “礼记 lijì”, яъни “Урф-одатлар” китобининг 檀弓 Тангонг бўлимидаги жумлаларга мурожаат этамиз. “伯高死于卫，赴于孔子 Bogao siyu Wei, fuyu Kongzi”, яъни “Бо Гао Вэйда ўлди, Конфуцийга юборилди”¹⁰⁴. Бу гапнинг маъноси қуйидагича: Бо Гао Вэй давлатида вафот этди, унинг ўлими ҳақидаги хабар Конфуцийга маълум қилинди. Ўлим бу инсон ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган воқеа бўлиб, марҳумнинг вафоти ҳақидаги хабар зудлик билан унинг яқинларига маълум қилиниши зарур. Шу боисдан қадимда хитойликлар “赴 fu” иероглифидан шошилинич маъносини ифодалашда фойдаланишган. Тарихий ўзгаришлар жараёни сабабли кейинчалик кишилар марҳумнинг ўлими ҳақида хабарни оммага ёки яқинларига зудлик билан етказишда “赴 fu” иероглифи ўрнида “讣” иероглифидан фойдалана бошлаганлар. Бирор бир кишининг вафоти ҳақидаги хабарни тарқатиш Хитойда ҳукмронлик қилган барча сулолаларнинг тарихида мавжуд бўлган. Бироқ уларнинг номланиш усуллари фақатгина ёзувда турлича шакл касб этган. Масалан, яна бир номланиш тури мавжудки, у ёзувда “讣帖 futie” иероглифлари орқали ифодаланилди. Бу сўз бирикма “讣告 fugao” сўз бирикмаси билан тўлиқ маънодош. Бу икки сўз бирикмани шакл ва тузилиш жиҳатдан солиштирсак фарқ деярли сезилмайди.

Мин сулоласи (1368 – 1644) давридан сақланиб ҳозирги кунга етиб келган “宛署杂记 Wan shu zaji” “Ваншунинг кундалик дафтари”да қуйидаги сатрлар бор: “出丧三日，出丧牌挂钱门外，记死者之寿，岁一张，曰桃钱。Chusang sanri, chu sangpai gua Qian menwai, ji sizhezhishou, sui yizhang, yue Taoqian” “Таъзиянинг биринчи уч кунлигида, марҳумнинг умри ҳақида маълумот берувчи таъзия хабарномаси(мемориал тахтаси) Чиен оиласининг эшик ташқарисига осиб қўйилсин, деб айтди Тао Чиен”¹⁰⁵. Ушбу иборада келтирилган 丧牌 sang pai термини юқорида таърифланган 讣告 fugao, таъзиянома термини ўрнида ишлатилган.

¹⁰⁴ Қўрсатилган манба. - 396 – 397 б.

¹⁰⁵ Қўрсатилган манба. – 397 б.

Ҳозирги кунда ҳам Хитойнинг айрим жойларида, одатда олис провинцияларда, одам вафотидан кейин у яшаган оила эшигининг ташқари томонида марҳумнинг исми, ёши битилган оқ рангдаги қоғоз илиб қўйилади.

2.4.20 吊唁函电 diaoyanhandian “марҳумни хотирлаш телеграммаси” таъзияноманинг бир тури бўлиб, бахтсиз ҳодиса ҳақида ташкилот ва оила аъзоларига жўнатиладиган электрон хабардир. “唁函 yanhan вафот телеграммаси” яна “唁信 yanxin вафот хати” ҳам деб номланади, ҳар иккаласи сўз ҳам бир хил маъно касб этувчи таъзияномадир. 吊唁函电 diaoyanhandian “Марҳумни хотирлаш телеграммаси” иборасида қўлланилган “хотирлаш, таъзия ” маъносидаги 唁 yan иероглифи Конфуций тузган 诗经 shijing “Шеърлар” китобининг “邶风 tang feng • 载驰 zai chi” бўлимидаги иборада учрайди: “载驰载驱，归唁卫侯 zaichizaiqu, gui yan Wei hou”, яъни “шамол каби учиб, кутиб турган Вейга таъзиямизни етказинг”¹⁰⁶.

Юқорида таҳлил этилган терминлар ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланаётгани билан характерлидир.

Боб бўйича саволлар

1. Хитой дипломатияси тарихи ва дипломатик терминлар тараққиёти қандай принциплар асосида боғланган?
2. Хань сулоласи дипломатияси қандай асосий мақсадларни олға сурган?
3. “Уч қироллик” даврининг таниқли дипломатлари ким бўлган?
4. Тань сулоласи дипломатиясининг асосий режалари нимадан иборат бўлган?
5. Жэнг Хэ ким бўлган?
6. Мин сулоласи даврида ташқи алоқалар қандай ривожланган?
7. Соҳибқирон Амир Темурнинг Хитой билан олиб борган алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
8. Амир Темур ва темурийлар даврида Хитойга неча элчилик ва савдо сотиқ миссиялари юборилган?
9. Бобурийлар сулоласидан ким Тибетнинг ҳокими этиб тайинланган?
10. “外交”, “外事”, “外务” терминларини мисоллар билан изоҳлаб

беринг “使节” семантикаси ва тарихи ҳақида нималар биласиз?

¹⁰⁶ Кўрсатилган манба. – 401 б.

11. “气节” қандай маъноларни ифода этади?
12. “华侨” “魏书” илк бора қачон ва қайси маънода қўлланган?
13. “礼宾”, “议定书” қандай маънони англатади ва бу ҳужжатга бўлган асосий талаблар нималардан иборат?
14. Хитой тилида қисқа “礼宾”, “议定书” ҳужжат тузинг ва изоҳлаб беринг.
15. “盟约同”, “盟条约”, “盟誓” семантикаси оид нималарни биласиз?

Амалий машғулот учун саволлар

1. Хитой Халқ Республикаси дипломатияси тараққиётини асосий этапларини сўзлаб беринг?
2. Хитой ташқи сиёсатининг асосий тамоилларинини изоҳлаб беринг?
3. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида расмий дипломатик муносабатлар қачон ва қайси шаҳарда ўрнатилган?
4. Ўзбекистон-Хитой сиёсий, савдо, маданий ва спорт алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
5. “条约”, “公约”, “协定”, “议定书”, “协议” номли ҳужжатларни фарқини ва қўлланиш соҳаларини айтиб беринг.
6. “名片” “名刺” “论衡” “骨相篇” “通刺” қайси даврдан эътиборан ва қандай мақсадларда қўлланилган?
7. Ўзингиз ва курсдошингиз учун “名片” тайёрланг ва унинг асосий элементларини изоҳлаб беринг.
8. “有子七人，莫慰母心” изоҳланг, ўзбек, рус ва инглиз тилларида унга мос келадиган иборани ёки фразеологик бирикмани келтиринг.
9. “出丧三日，出丧牌挂钱门外，记死者之寿，岁一张，曰桃钱” ўзбек, рус ва инглиз тилларига таржима қилинг ва маъносини изоҳланг.
10. “汉乌俄外交词典” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Қандай дипломатик тактика, стратегиялар билан танишсиз?
2. Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасидаги дипломатик муносабатлари борасида қандай қарашлар мавжуд?
3. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни

ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан қандай ишлар амалга оширилиб келинмоқда?

4.Хитой тилидаги дипломатик терминларнинг лексик-семантик классификациясини тузинг.

5.Ўзбек тилидаги дипломатик терминологиясининг лексик-семантик классификациясини тузинг.

6.Тузилган жадваллар асосида икки тил (хитой ва ўзбек)да мавжуд дипломатик терминларнинг қиёсий таҳлилини амалга оширинг.